



Уюшқоқлик натижаси

Ярим тунда Уйчи тумани ички ишлар бўлими навбатчилик қисмига кўшни Норин туманининг Чўжа қишлоғидаги ДАН постидан Жийдакапа қишлоғи ҳудудида босқинчилик содир этилгани ва жиноятчилар яширингани ҳақида хабар келди. Навбатчиликдаги ходимлар ишга шай эдилар. Милиция лейтенанти Аҳмаджон Болтабоев ва унинг ёрдамчиси, милиция катта сержанти Сиддиқжон Ҳошимов тезкор гуруҳни йигди ва уларни қуроллантирди.

Милиция лейтенанти Носиржон Аҳмедов бошлиқ тезкор гуруҳ хабар берилган жойга етиб келганларида уларни кутиб турган жабрланувчи-ҳайдовчи Толибжон Холматов бўлган воқеани тушунтира бошлади.

Маълум бўлишича, Маргилон шаҳрида икки йигит Наманганда олиб боришларини илтимос қилади. Йўл-йўлакай улар Фаргона шаҳри, Қирғули даҳаси, Политехника кўчаси, 14- "б" уйининг 77-хонадонидан бир аёлни олиб чиқадилар.

Улар йўлда Ёзёвон чўлидаги дўконда тўхтаб, икки шиша вино олиб ичадилар. Наманган вилояти ҳудудига кирганларида жиноятчилар ўзларининг разил ниятларини амалга оширмоқчи бўладилар.

Йўловчилар ҳайдовчидан шу ерда тўхташни сўрайдилар. Кимсасиз овлоқ жойда машинани тўхтатиб, тушишади.

Ҳаммалари машинага ўтириб, жўнаш пайтида орқадаги Юра Любанинг сумкасидан олдиндан тайерлаб қўйган тошни олиб, ҳайдовчининг орқа миёсига уч марта уради. Ҳайдовчи қаршилиқ кўрсатади. Шунда учовлон унга ташланадилар ва Сергей этикдўзлик дупояси билан ҳайдовчини 5-6 марта уради. Тенгсиз олишув бошланади. Аллақачон қош қорайиб қолган, атрофда ҳеч ким йўқ эди. Лекин шу пайт транспортлар қатнови

кўпайиб, разиллар юрагига гулгула тушади. Улар ҳайдовчининг ёнидан паспорти ва пулларини олиб, тун қоронғусида яширинадилар. Аранг ўзини ўнглаб олган ҳайдовчи жон ҳолатда машинага ўтириб, яқин орадаги милиция постига хабар беради.

Жиноятчиларни ушлаш учун кўшимча куч чақирилди. Тажрибали ходимлардан иборат тезкор гуруҳ ёрдамга етиб келди. Қидирув бошланди. Уларнинг фикрича, бу қишлоқни яхши билмайдиган босқинчилар катта йўлда пайдо бўлиб қолишлари мумкин эди. Тахминлари тўғри чиқди. Тут дараклари панасида йўлакда кетаётган Юра билан Любага кўзлари тушди. Улар олдиларидан пайдо бўлиб қолган милиция ходимларига "биз йўловчилармиз, ушлашга ҳаққингиз йўқ" деб сувдан қуруқ чиқиб кетмоқчи бўлишди. Бироқ ҳайдовчини кўришлари билан капалаклари учди.

Осойишталик посбонлари тонготар пайтида асфальт йўлда кетаётган ярим яланғоч рус йигитини, учратдилар. Милиция ходимларини кўрган Сергей кўлига тош олиб қоча бошлади. Бироқ "Тўхта, тошни ташла, отаман" деган ҳайкирик уни тўхтатишга мажбур этди. Қуршовда қолган Сергейнинг қўл кўтаришдан бошқа чораси қолмади...

Босқинчилар дастлабки терговдаёқ ўз қилмишларига иқроор бўлдилар. Ҳайдовчини ўлдириб, такси машинасини Наманганда катта пулга сотиш ниятида бўлганликларини яширишларига ҳожат қолмади. Улардан бири олдин ҳам жиноят содир этиб, қочиб юрган, Фаргона вилояти ИИБ томонидан қидирув эълон қилинган шахс бўлиб чиқди.

Шундай қилиб, яна бир жиноий гуруҳнинг пайи қирқилди.

О. Маҳмадалев,
милиция майори.

КЕЙИНГИ вақтларда Наманган вилояти, Косонсой тумани ички ишлар бўлимида ҳам ишлар бирмунча юқори поғонага кўтарилди. Бунда, албатта, бўлим ходимларининг ўзаро уюшқоқликда олиб бораётган ишлари сабаб бўлмоқда десак бўлади.

Суратда: (чапдан) терговчи милиция катта лейтенанти Мақсуд Юсупов, бўлим бошлиғи, милиция подполковниги Қодиржон Мелихонов, патруль-пост хизмати ходими, милиция сержанти Расул Ортиқов, жиноят-қидирув бўлими катта тезкор вакили, милиция лейтенанти Ёқуб Қайюмов ва милиция капитани Рафуржон Каримовлар навбатдаги режаларни амалга ошириш олдидан ўзаро суҳбатлашиб олишмоқда.

Е. БОТИРОВ олган сурат



БУГУНГИ СОНДА:

2-бет

УДДАБУРРОЛИК

ОРТИДАГИ

ИЙМОНСИЗЛИКЛАР

ёки иймонсизлик ортидаги

уддабурроликлар

3-бет

ХАЛҚ ИШОНЧИНИ ОҚЛАБ

4, 5-бетлар

ҲАФТАЛИК

ТЕЛЕКЎРСАТУВЛАР

ДАСТУРИ

6-бет

НОМЗОД (қисса)

7-бет

“БИР ПАС ҲОРДИҚ
ЧИҚАРАЙЛИК” РУКНИ

ОСТИДА:

ЖАЗОЛАШДИ...

КИМ ҚАНДАЙ ХАТ

ЁЗАДИ?

АДОЛАТ, ҲАҚ ЙЎЛИН

СЕВДИК...

Бошқармада йиғилиш

Айни пайтда жамиятимизда содир бўлаётган жиноятларнинг олдини олиш, бартараф этиш ва пайини қирқишда жиноятларнинг олдини олиш хизмати ходимлари бор куч-гайрат ва билим-маҳоратларини ишга солиб меҳнат қилмоқдалар. Ходимларга жиноят содир қилишга мойил бўлган шахсларни аниқлаб, улар устидан назорат ўрнатиш, жиноятларни чуқур таҳлил қилиб, жиноятларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиб чиқиш каби масъулиятли вазифалар юкланган экан, милиция ходимлари бунини чуқур ҳис этадилар.

Жиноятларнинг олдини олиш хизмати обрўсини кўтариш уларнинг биринчи галдаги вазифаларидандир. Бу ҳусусда бошқарма томонидан ўтказилаётган ҳар бир кенгаш ва йиғилишларда кўплаб гапирилмоқда, айтилмоқда.

Яқинда Тошкент шаҳар ИИББ Жиноятларнинг олдини олиш бошқармасида (яқиндагина ИИБда ушбу бошқарма билан унинг тизимидаги раҳбар ходимлар иштирокида бўлиб ўтган кенгашда кўрилган масалаларга ва саккиз ойлик иш якунларига бағишлаб) жойлардаги жиноятларнинг олдини олиш хизмати раҳбар ва ходимларининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни бошқарма бошлиғи, милиция подполковниги Шарифхон Умархонов олиб борди. У ўз нутқида хусусан, жиноятларнинг олдини олиш хизматининг ўтган ва бугунда амалга ошираётган ишлари ва қилинадиган иш режалари ҳақида батафсил гапириб, жумладан шундай деди:

— Жиноятларнинг олдини олиш хизмати фаолияти яхши-ланиб бормоқда. Демокриманки, кўрсаткичларимиз анча ижобий. Оғир жиноятларни очиб бўйича ҳам кўрсаткичлар ёмон эмас. Бунда ҳамма хизмат турларининг, участка вакилларининг хизматлари катта, албатта.

Аммо ҳозирги кунда кўплар қатори мени ҳам ташвишлантираётган нарсаси, бу муқаддам судланганлар томонидан содир этилаётган жиноятлардир. Ўйлайманки, ишимизда бўлаётган ижобий силжишлар тез орада бунга ҳам барҳам беради.

Шундан сўнг ИИБда ўтган кенгашда кўрилган масалалар ҳақида фикр алмашилди. Унда “Касб маҳоратини ошириш” курсларини ташкил қилиш, машғулот ўтказишга мўлжалланган хизмат хоналари ажратилиб, уни бугунги куннинг талаб даражасига келтириш, жиҳозлаш, ахлоқ милициясининг иш фаолиятини белгиловчи Низом ишлаб чиқиш, участка вакилларининг ҳақ-ҳуқуқлари доирасини, мавқеини кўтариш, хизмат хоналари, телефонлар билан таъминлаш, коммунал хизматни текин қилиб қўйиш, навбатсиз ер участкалари ажратиш ҳамда ўтказилган “Саломатлик” ва “Назорат-93” тадбирлари борасида гап борди.

Шуниингдек йиғилишда Ички ишлар Вазири ва ИИББ бошлиғининг буйруқ ва кўрсатмаларига биринчи навбатда амал қилиш, уларни сўзсиз бажариш, тартиб-интизом масалалари алоҳида таъкидланди.

О. МАҲМАЮСУПОВ.

Икки жума оралиғида

ВИЖДОННИ БЎЯБДИ

Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳридаги 27-дўкон мудираси Т.Қолбаева 430 минг сўмлик бўёқ маҳсулотларини очик савдодан яшириб қўйибди. “Чап”ни кўзлаган мудиранинг иши ростдан ҳам чаппасига кетди.

ЯХШИМАС, ҚАРДОШ

Озарбойжонлик фуқаро З.Бағиров 475 метр “бекасам”, 105 метр “тафта” деб номланувчи газмолларни ватанига олиб кетаётганида Бухоро вилоятининг Олот темир йўл бекатида ушланди. Газмолларнинг умумий баҳоси 1 миллион 800 минг сўм. Айтишга осон.

“ТАБАССУМ”ДА ТАБАССУМ ЙЎҚ

Наманган вилоятининг Поп тумани матлубот жамиятига қарашли “Табассум” универмаги бўлим мудираси Н. Юнусова харидорларга қовоғини уюб, фақат “йўқ” жавобини беради. Аслида эса пештахта остида 385.000 сўмлик болалар кийими бор экан. Буни тегишли одамлар аниқлашди.

ИККИ КИШИЛИК ЗАВОД

Сурхондарё вилоятининг Денов туманидаги “Москва” жамоа хўжалигида яшовчи Ишонкулов ва Бабатовлар уйдан 100 литр соф спирт, 40 литр қўлбола ароқ, 20 дона бўш бидон, 1500 дона ароқ

шишасининг “Денау винзаводи” деб езилган қопқоғи, 500 дона ерлик, қопқоқ епувчи мослама ҳамда 490 дона ярим литрли шиша идиш топилди.

СУМКАСИ “КИЧКИНА” ЭКАНМИ?

Урганч шаҳар темир йўл бекатида Тошхўвуз —Красноводск йўналишида қатновчи поезд йўловчиси, урганчлик З.Базаровнинг сумкасидан бир эмас, икки эмас, ўн эмас, бир юз эллик дона ярим қуритилган қолбаса топилди (умумий суммаси 225000 сўм). Маҳсулот Туркменистон Республикасига олиб кетилаётган экан.

ЎЗИНГГА ЭХТИЁТ БЎЛ...

Термиз шаҳар, А. Икромов кўчасидаги уйлардан бирида истиқомат қилувчи Н.

Туропов (ёшлари 60 да)уй эшигини очик қолдириб, қаттиқ панд еди. Ўғрилар очик эшикдан киришиб, 500 минг сўмлик бисотни олишиб, эшикни ёппай чиқиб кетишган. Ўғрилар албатта топилди.

ИШЛАМАЙДИГАН ИШЛАМАЙДИГАННИ...

Самарқанд шаҳар, Қимёгарлар қўргонидаги 29-мавзеда яшайдиган, ишламайдиган Шодиёр исмли йигит москвалик, 1970 йилда туғилган, ҳеч қаерда ишламайдиган О. Петровнинг ишончини қозониб, унинг... 4 миллион 50000 сўм пулини 1993 йилги пулга алиштириб, беришни ваъда қилиб, олиб кетган. Бу ҳақда орадан беш кун ўтиб —30 сентябрда милицияга хабар берилган. Терговчи ИИБ олиб бормоқда.

ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН

Абдували Умирзоқов шу йилнинг февраль ойидан бошлаб Юқори Чирчиқ туманидаги "Политотдел" жамоа хўжалигида участка вакили бўлиб ишлаб келмоқда. У бу ерга келганида ахвол анча оғир эди.

1991 йил билан таққослаганда унга қарайдиган ҳудудда жиноятларнинг умумий миқдори 1992 йилда 15 фоиз кўпайган. Жиноят турлари орасида эса асосий ўринни хонадонларга ўғирликка тушишлар ва жамоат жойларида безорилик қилишлар ишғол этарди.

Абдували бу ҳолга барҳам бериш бир ўзига оғирлик қилишини яхши тушунарди. Шунинг учун у шу ерлик фахрийлар, хўжалик раҳбарлари билан маслаҳатлашишга, улар билан бир ёқадан бош чиқариб ишлашга аҳд қилди.

Колхознинг собиқ раиси, эндиликда нафақадор бўлсада хўжалик раисининг катта маслаҳатчиси бўлиб ишлаётган Т. Хван тартибни сақлаш жамоатчилиги пунктининг фаолиятини яна йўлга қўйиш кераклиги ҳақида маслаҳат берди. Хўжалик раҳбарияти ҳам оқсоқолнинг фикрини қўллаб-қувватлади.

Энди жамоатчилик пунктининг ишлаши учун ҳуқуқий базани яратиш керак эди. Бу масалани Бордонқўл қишлоқ Кенгаши ва унинг раиси А. Нортоев ҳал қила оларди.

Абдуолим Нортоевнинг ташаббуси билан қишлоқ Кенгашининг мажлисида бу масала кўриб чиқилди ва у ижобий ҳал қилинди. Жамоатчилик пунктининг биринчи мажлисида фаоллар ўз фаолияти билан вазиятни соғломлаштиришга чиндан таъсир кўрсата оладиган тузилмаларнигина танлаш ҳақида келишиб олишди.

Нохуш оилалар ва тарбияси қийин ўсмирлар билан ишлаш бўлинимасига раҳбарлик қилиш 19-мактаб директори В. Кимга топширилди. У илгарилари ҳам жамоатчилик асосида вояга етмаганлар билан ишлаш инспекциясининг раиси бўлгани учун пунктнинг раҳбарларидан бири саналарди, шунинг учун хўжаликдаги ўсмирлар ўртасида ҳуқуқ-тартибот бузишларнинг олдини олиш ишини йўлга қўя оларди.

Жамоат тартибини қўриқлаш масаласи муҳокама қилинганида кўнгилли халқ дружинасини тикламасдан бирор янги нарсга ўйлаб топилш ҳақида келишиб олишди. Милицияга ёрдам бериш отряди ана шундай янги нарсга бўлди.

Нима учун шундай қарорга келишди? Бу нарсга истикболни ўйлаб амалга оширилди. Хўжалик раҳбарияти, албатта бюджетнинг имкониятидан келиб чиқиб, отряд аъзоларининг ишига ҳақ тўлаш ва шу муносабат билан уларни ҳосилни қўриқлашга жалб этиш, жамоат мулкни талон-торож қилувчиларга қарши курашда улардан фойдаланиш мақсадини кўзламоқда.

Отряд командири қилиб қишлоқ Кенгаши раисининг ўринбосари А. Тоғасев тайинланди.

Шу билан бирга ўртоқлик суди ва илгари судланганлар билан ишлаш бўлинимаси ҳам ташкил этилди.

Пункт кенгашининг раисини сайлаш масаласи тезда ҳал бўлди. Колхоз раисининг ўринбосари Ж. Муфтизода кенгаши раиси бўлди. Жаҳонгир ака дарҳол пункт тузилмасида қўшимча бўлима — фахрийлар кенгашини тузиш тақлифини киритди. Оқсоқоллар ўзларининг қимматли тақлифлари билан пунктга катта ёрдам бера оладилар.

Колхозда тартибни сақлаш жамоатчилиги пунктининг ишлаш бошлаганига етти ойдан ошди, унинг натижалари яққол кўзга ташланиб қолди.

Маҳаллаларда жиноятчилик хатти-ҳаракатлари кескин камайди, аҳолининг турмуши осойишта тус олди. Бунда пункт ҳамма бўлинималарининг аъзолари катта ҳисса қўшдилар.

Масалан, кўкалам-зорлаштирувчи А. Мўминов раҳбарлик қилаётган илгари судланганлар билан ишлаш бўлинимаси ўзлари васийлик қилаётган ҳар бир кишининг иш билан таъминланишига эришди. Бундан ташқари бўлима аъзолари улар меҳнат қилаётган жамоаларда тез-тез бўлиб турадилар, ўз ёрдамларини аямайдилар.

Илгари судланган Зинур Г. озодликка чиққанидан сўнг колхозга келди, лекин ўз ихтисослиги бўйича иш топа олмади. Лекин у ноумид бўлиб қолмади. Бўлимининг ёрдамида Зинур 5-автотранспорт комбинатига ишга жойлашди.

Фаолларни илгари судланганларга нисбатан ҳаддан ташқари ғамхўрлик кўрсатишда айблаганлар ҳам топилди. Баъзан улардан: "Уларнинг жойи барибир — қамоқхона, бошларингизни қотиришга ҳожат борми?" деган сўзларни эшитиш мумкин эди. Бундай кишиларга илгари судланганлар орасида ўз хатоларини тузатишни астойдил хоҳловчилар кўпчилигини тушунтиришга тўғри келди.

Ўсмирлар ҳам кўп эътиборни талаб қилди. Уларнинг баъзилари хонадонлардан парранда ўғирлаш билан шугullanарди. В. Ким бошчилик қилаётган бўлима ўсмирлар ўртасида профилактика ишини кучайтирди. Жиноят Мажмуасини уларга тушунтириш учун милиция ва прокуратура ходимларини кенг миқёсда жалб эта бошлади.

Аста-секин марказий кўрғондаги ахвол яхшилана бошлади. Лекин, Виктор Наумовичнинг ўзи айтганидек, бу — ишнинг бошланиши, холос. Энди хўжаликдаги вояга етмаганларнинг ҳаммасини фойдали иш билан банд қилиш вазифаси қўйилмоқда. Бунинг учун мақбул шарт-шароит мавжуд: хўжаликда бир талай қизиқарли спорт секциялари ишлаб турибди, хоҳловчилар ўзлари ёқтирган ишни ҳам топа оладилар. Пункт дастлабки қадамларини ишонч билан қўймоқда.

Пунктнинг фаолияти билан таъиншарканман, Юқори Чирчиқ тумани ИИБ жиноятчиликнинг олдини олиш бўлимининг бошлиғи, милиция капитани А. Набиевдан сўрадим: "Политотдел"да жамоатчилик пункти фаолиятининг қайта тикланиши бўлимининг ходимлари учун нима берди?"

Унинг айтишича, аввало руҳий тўсиқни бартарф этишга муваффақ бўлинган. Бунгача ана шундай пунктлар участка вакили учун ортиқча ташвиш деган фикр мавжуд эди, лекин қизғинлик, жўшқинлик билан, ўз кучлари билан ишга киришган хўжалик жамоатчилиги бу фикрнинг нотўғри эканлигини исботлади. Оддий деҳқонларнинг мийнатдорчилик билдирган сўзлари кўпайди. Қолхоз раҳбарияти эса ҳар бир хўжаликдаги аҳоли истиқоматгоҳларида ана шундай профилактика маркази ишлаши керак бўлган вақт етиб келди деб қатъий ишонмоқда.

Ш. АХМЕДОВ,
милиция подполковниги.



СИРДАРЁ вилояти ички ишлар бошқармаси Давлат автомобиль назорати ходимлари туну кун хизматдалар. Бухоро, Самарқанд, Термиз трассасида жойлашган пост ҳаммаша гавжум. Ўтаётган, қайтаётган автомашинада р, уларнинг ҳайдовчиларининг қанчалик йўл ҳаракати қоидаларига амал қилаётганликлари мунтазам текшириб турилмоқда.

Суратда: (чапдан) милиция сержанти У.Ибрагимов, милиция майори Қ.Мўминов, ҳайдовчи С. Перваков, милиция сержанти Р. Ғоипов ва милиция сержанти Ж. Пуллаевлар.

Б. ХОЛМИРЗАЕВ олган сурат.

УДДАБУРРОЛИК ОРТИДАГИ ИЙМОНСИЗЛИКЛАР

ЁКИ ИЙМОНСИЗЛИК ОРТИДАГИ УДДАБУРРОЛИКЛАР

Бухоро вилояти ИИБ Иқтисодий жиноятларга қарши кураш бўлими ходимлари шу кунларда қинғирликларнинг пайини қирқиб мақсадида тинимсиз кураш олиб бормоқдалар. Уларнинг амалга ошираётган самарали тадбирлари натижасида бировлар ҳақида хиёнат қилиб, мўмай даромад орттириш йўлига ўтиб олган кўплаб очофатларнинг кирдикорлари фош этилмоқда.

Масалан, шу йил март ойида тезкор ходимларимиз томонидан "Бухоро ирригация қурилиши" трестига қарашли Ишчилар таъминоти бўлими текширилганда, омбор мудир Сайфулло Наврўзов ишхонасини мўмай даромад манбага айлантириб олганлиги аниқланди. Текин даромад деса иштахаси очиладиган С. Наврўзов доимий равишда омбордан дўконларга хорижда ишлаб чиқарилган молларни тарқатиш пайтида "ўз муруввати" эвазига мудирлардан 100-150 минг сўмлаб "раҳмат" пули оларкан. Бундан ташқари, республикамиздан ташқарига чиқариладиган ва улар ўрнига келаётган маҳсулотлар устига ҳам кўнгил тусанган нархни қўйиб сотиб, хужжатларни қалбакилаштириш каби қаллобликлар билан шугулланиб келганлиги маълум бўлди. Унга мазкур бўлим экспедитори Ашраб Адбиев ҳамтовоқ бўлиб, икки "шоввоз" давлатнинг оз эмас, кўп эмас 2 миллион 300 минг сўмлик мол-мулкни талон-торож қилишган. Лекин бу ҳаммаси эмас, бошқа кўплаб кирдикорларини фош этиш борасидаги ишлар давом этмоқда.

Истеъмол бозоридаги мураккабликлар авж олган бир пайтда, баъзи кимсаларнинг халқ истеъмоли маҳсулотларини ноқонуний йўл билан республикамиз ташқарисига олиб чиқиб сотаётганликлари, халққа меъёр асосида тақсимланиши лозим бўлган истеъмол молларини чайковчиларга кўтара нархда пуллаб омонатга хиёнат қилаётганликлари кечирилмас ҳолдир.

Шу йил 8 апрель куни Олот тумани ички ишлар бўлимининг иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш гуруҳи ходимлари ҳеч қаерда ишламайдиган Н. Турсуновни "Мингеология"га қарашли Ишчилар таъминоти бўлимининг 6-сонли дўконидан 110 қоп урни сотиб олиб, мижозларига қарийб икки баробар ортиқ нархда пуллаётган пайтда қўлга туширилди. Жондор тумани "Бухоро" жамоа-хўжалигининг Ойдин қишлоғида яшовчи Ж. Мапетов эса яна-да "еглироқ" ишга қўл урди. У

Бухоро шахридаги озиқ-овқат дўкони ва Ромитан тумани матлубот жамиятига қарашли 4-сон дўкон мудир Х. Жумаевдан 6 тонна еғ сотиб олиб, чайков нархда 720 минг сўмга сотаётганда тумшугидан илинди. Текширишлар натижасида у тагин Жондор тумани матлубот жамиятига қарашли 16-дўкон мудир М. Ражабовдан 2 тонна еғ олиб қўйганлиги аниқланди. Аҳоли эса меъёр асосида бериладиган еғ, ун, гуруч, шакар каби эҳтиёж учун энг зарур маҳсулотларни ўз вақтида ололмай жигибийрон бўлиб юрибди.

Иқтисодий жиноят содир этаётган шахслар сафига назар ташлар экансиз, улар орасида давлатнинг миллионлаб сўмлик моддий бойликлари ишониб топширилган масъул кишиларнинг ҳам учраб туришини кўриб, хайратда қоласиз.

Қоракўл ил-йигирув фабрикасининг раҳбарлик лавозимларида ишлаб, халқни сифатли sanoat моллари билан таъминлашдек савоб ишга ўз хиссаларини қўйиш ўрнига, бировлар меҳнати эвазига ўз ҳамёнларини қаппайтириш пайига тушган фабрика директори И. Шодиев, бош ҳисобчи А. Ҳамдамов ва бош муҳандис Х. Болтаевлар ҳам худди ана шундай шахслар тоифасидан эканликларини кўрсатдилар. Улар ўз мансабларидан фойдаланиб, хужжатларни ноқонуний равишда расмийлаштириш йўли билан доимий равишда фабриканинг катта миқдордаги маҳсулотларини вилоятимиз ва республикамиз ташқарисига чиқариб пуллаб, тушган даромадни ўртада "арра" қилиб келганлар. Жиноятчилар давлатнинг 1 миллион 280 сўмлик мол-мулкни ўзлаштирганлар.

"Туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр" деганларидек, фабрика раҳбарларининг ўз ҳамёнларини қаппайтириш билан овора эканликларидан фойдаланган фабриканинг омбор мудир Ибод Ёкубов ениги-мойлаш материалларини гайриқонуний равишда шахсий машина эгаларига сотиш натижасида 232 минг сўмлик камомадга йўл қўйган.

Кези келганда шунга айтиб ўтиш керакки, баъзи кимсалар вилоятимиздаги турли кичик корхоналар, фирмалар ва тижорат тузилмалари фаолияти никоби остида "халқ кўзига хас ташлаб" бойлик орттиришга уринаётганликлари ҳам ходимларимиз назаридан четда қолмапти. Масалан, Бухоро шахридаги "Восток" кичик корхонаси ҳисобчиси Саттор Қаюмов Бухоро тумани, Усмон Юсупов жамоа хўжалиги номидан қалбаки ишонч

қоғози расмийлаштириб, у билан Ромитан туманидаги "Халқобод" жамоа хўжалиги иссиқхонасидан 9350 кг. лимон олиб, уларни ноқонуний равишда Россиянинг Екатеринбург вилояти, Серов шаҳри савдо тармоқларига ҳар килосини 350-400 сўмдан, жами 2 миллион 199 минг 870 сўмга пуллайди. "Оғзидан гуллаб қўймаслиги" учун лимонни олиб борган машина ҳайдовчисига 100 минг сўм бериб, 1 миллион 90 минг сўмни қурилиш материаллари олиш учун Серов шахридаги "Лотос" кичик корхонаси кассасига тўлайди. Қолган 1 миллион 9870 сўм пулни эса ўз фойдасига ўзлаштиради. "Уддабурро"ликни қарангки, лимондан олинган соф фойданинг ҳатто ярмидан кўпи Саттор Қаюмовнинг жигилдонига келиб тушяпти. Мана, сизга "кичик корхона очиб, халқимизнинг оғирини енгил қиламан" деб кўксига уриб, мақтаниб юрган "ишбилармон"лардан бирининг ҳақиқий башараси. Улар халқнинг оғирини эмас, фақат чўнтагини енгил қилишлари мумкин.

Яқинда Бухоро шахридаги "Чори" кичик корхонаси директори А. Забировга нисбатан ҳам жиноий иш кўзгатилади. Чунки у шу йил март ойида 130 минг сўмлик моддий бойликларни ноқонуний ўзлаштирган.

Когон шахридаги "Автомобилист" тижорат тузилмаси раҳбарлари В. Булгаков ва Г. Швецовлар эса 153 минг сўмлик молни талон-торож қилаётганларида қўлга тушдилар.

Маълумки, энг ёмон иллатлардан бири порахўрликдир. Аммо халқ таълими соҳаси ходимлари орасида ҳам бу жирканч иллатнинг учраб туриши кишини хайратга солади. Йўкса, Бухоро давлат Дорилфунунининг педагогика кафедраси ўқитувчиси Дилбар Ориповнинг 2-курс талабаларидан 15000 сўм миқдорида пора олганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Бензин чайковчилиги билан шугулланаётган пайтда қўлга тушган шаҳардаги Г. Фулом номли мактаб ўқитувчиси Карим Рустамовнинг хатти-ҳаракатларини-чи?

"Ҳар ким экканини ўради" дейди халқимиз. Дарҳақиқат, ҳар бир инсон ўз қилмиши учун жамият олдида, келажак авлод олдида жавобгардир. Биз эса ҳар қандай жиноятнинг содир этилмасдан туриб олди олиншини жуда-жуда истар эдик.

Зикрилла НЕЪМАТОВ,
Бухоро вилоят ички ишлар бошқармаси алоҳида муҳим топшириқлар бўйича катта позир, милиция катта лейтенанти.

Қосимбой ака Олломов 52 ёшда. Тошкент олий милиция мактабини тамомлаган. Ички ишларда 1969 йилдан буён хизмат қилади. Дастлаб Ўзбекистон Республикаси ИИБ тергов бошқармасида, кейинчалик Хоразм вилояти ИИБда бошлиқ муовини бўлиб ишлади. Айни вақтда вилоят ИИБ «Қўриқлаш» бўлимининг бошлиғи. Унвони — милиция полковниги. Умр йўлдоши билан беш нафар фарзандни тарбиялаб ўстирмоқда. Ўғли Қудрат отаси изидан бориш ниятида. Тошкент ҳуқуқшунослик олий билимгоҳида таҳсил олмоқда.

— Қосимбой ака, «Қўриқлаш» бўлими хизмати ва вазифалари ҳақида сўзлаб берсангиз?

— Бизнинг «Қўриқлаш» бўлимининг ва унинг бўлинмалари асосан халқ ҳўжалиги иншоотлари, объектилари, фуқароларнинг шахсий уйлари махсус мосламалар (МКП) ердамида қўриқлайди. Вилоятимиз бўйича бугунги даврда 891 та қишлоқ иншоотлари ва 262 та шахсий уйлارга хизмат кўрсатмоқдамиз. Бундан ташқари, ходимларимиз 472 та рейдда қатнашди. Рейдлар давомида 632 нафар маъмурий ҳуқуқбузарларга нисбатан баённома тузилиб, жиноятларнинг олди олинди, 16 таси очилди, 14 жиноятчи эса ушланиб, ички ишлар идораларига топширилди, 150 та йўл ҳаракати қоидаларини бузган ҳайдовчилар аниқланиб, ҳужжатлари тегишли идораларга юборилди, 422 та майда ўғирлик топилиб, давлатга 84 минг 69 сўм қайтарилди. Шундай қилиб, «Қўриқлаш» бўлими ходимлари зиммасида, юқорида қайд қилганмдек, жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликка қарши курашдек вазифалар ҳам бор.

— Қосимбой ака, энди фаол

ходимларингиз ишларидан мисоллар келтирсангиз.

— 1993 йилнинг 8 январига ўтар кечаси Урганч шаҳар ИИБ навбатчилик қисмига қотиллик ҳақида хабар тушди. Шаҳар «Қўриқлаш» бўлимининг бошлиғи, милиция подполковниги (собиқ) Отабоев бошчилигидаги тезкор гуруҳ воқеа содир бўлган жойга етиб бориб ишга киришди. Натижада қотил — қидирувда юрган жиноятчи Озод Ўрдаев қўлга олинди. У ўз укасини маст ҳолда пичоқлаб ўлдирган экан.

Гурлан тумани «Қўриқлаш» бўлимининг ходими, милиция кичик сержанти Гулимат Нуриддинов ҳам туман марказидаги Бинокор кўчаси, 43-уйда ўғирлик қилган З. Отабоевни қўлга олишда маҳорат кўрсатди.

Милиция лейтенанти Максуд Хотамов шу йил 9 мартда Янгибозор туманида яшовчи илгари судланган Г. Матниёзовни жамоат жойида маст ҳолда тартиб бузганлиги учун ИИБга келтирилганда унинг ёнидан 38,9 грамм наркотик модда чиқди.

Яна бир мисол. Дўржа шаҳар, Оғахий кўчаси, 28-уйда яшовчи Э. Ковалеванинг уйида ўғирлик содир бўлди. Ўғри гилам, магнитофон ва

ХАЛҚ ИШОНЧИННИ ОҚЛАЙМИЗ!

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ИИБ «ҚўРИҚЛАШ» БЎЛИМИ БОШЛИҒИ ҚОСИМБОЙ ОЛЛОМОВНИНГ ҚАТЪИЙ СЎЗИ ШУ.

бошқа молларни ўмариб кетганди. Қўриқлаш бўлимининг бошлиғи, милиция майори Уктам Давлатов тезда ўғрини топди.

— Бозор иқтисодиёти ишларингизга қандай таъсир кўрсатапти?

— Бу бозор иқтисодиёти дегани бир жойда эмас, балки ҳамма жойда ҳам ўзини сездирапти. Айниқса, бизлар билан шартнома тузган қорхона ва ташкилотларга қийин бўлди. Уларнинг баъзилари шартномани бузишмоқда. Қорхона раҳбарлари пул йўқлигини рўқач қилмоқдалар. Аммо бир қор-ҳол бўлса (худо сақласин) милицияга югурилади. Шунинг учун «Қўриқлаш» бўлимининг билан шартнома тузганлар асло кам бўлмайди. Биз уларнинг ишончини оқлашга қафолат берамиз. Бозор баҳонаси билан вилоят касалхонаси, суд-медэкспертиза, медтехника идоралари ва жамғарма банклари шартномани бузишди. 1992 йилда биз томонимиздан Урганч шаҳрида 13 та жамғарма банки қўриқланаётган бўлса, бу йил атиги икkitаси қолди. Лекин, айни пайтда олдин шартномани бузиб чиқиб кетган

идоралардан бир қанчаси қайтадан шартнома тузмоқдалар ҳам.

— Маълумки, милициянинг иши машаққатли ва сизнинг ходимларингиз ишлари ҳам. Шундай экан, уларга қандай шарт-шароитлар яратиб берилган?

— Ҳақиқатдан ҳам ишимиз оғир ва машаққатли. Шунинг учун барча бўлимларимиз етарли транспорт, техник жихозлар билан таъминланган. Ходимларимизнинг умумий сони милиция ходимлари билан, 2111 нафар. Уларга Республикаимизнинг ҳамма жойларида дам олиш ва даволанишлари учун йўланмалар мавжуд. Турли тантаналарда илгор ходимларимиз, нафақадорларимиз ва вафот этган ходимларимизнинг оила аъзолари тақлиф қилиниб, қимматбаҳо совғалар, болалар учун кийим-кечаклар ва пуллар топширилади.

— Ишларингизда омад ёр бўлсин.

Саъдулла БОБО СУХБАТЛАШДИ.

МАСЪУЛИЯТНИ ҲИС ЭТИБ

Чорсу бозорини тошкентликлар яхши билишади. Нафақат тошкентликлар, балки унинг республикамизда ҳам донги кетган. Кунига бу ерга бозор қилгани минг-минглаб одамлар келишади. Ҳар хил одамлар...

Афсуски, улар орасида турли безорилар, қонунбузарлар йўқ деяр олмаймиз. Ана шу қонунбузарлар билан мураса қилиш учун бозорнинг ёнгинасида — Шайхонтоҳур тумани ИИБга қарашли кичик милиция пункти жойлашган. Бу ерда тажрибали ходимлар — милиция капитани (участка вакили) Ҳ. Тошпўлатов, милиция катта сержанти Э. Нарзуллаев, милиция сержанти Г. Жўраев, милиция кичик сержантлари О. Бойқораев, Ш. Шожалиловлар ишлашади. Уларнинг вазифаси — бозор атрофида жамоат тартибини сақлаш. Бу эса милиция ходимларидан катта масъулиятни талаб этади. Тартибни сақлаш ходимлари бундан дилдан ҳис этишади. Шу сабабли ўзларига бириктирилган ҳудудда тартибсизликлар келиб чиқишига йўл қўйишмайди. Милиционерлар доимо биргаликда ҳаракат қилишади. Бирликда эса гап кўп. Шу йилнинг ҳозирга даврига қадар тартиб посбонлари неча-неча қонунбузарликларнинг олдини олишмади, дейсиз. Мисол учун, жамоат жойида ичиб юрган — 60, чайқовчилик қилган — 80 дайдиликда ушланган — 80 нафар шахслар аниқланиб, керакли ҳужжатлар тузилиб, туман ИИБга топширилди. Бундай фактларни кўплаб келтириш мумкин.

Ҳа, Чорсу бозори гавжум жой, турли безориликлар содир бўлиши мумкин. Юқорида номлари тилга олинган милиция ходимлари эса ана шу мураккаб участкада жамоат тартибини ўрнатишда фидойилик кўрсатмоқдалар.

Б. ХУДОЙНАЗАРОВ,
ИИБ ходими, милиция лейтенанти.

ҚАЙТИБ КЕТДИ...

ҳовлисидан умумий миқдори 180,7 грамм наркотик модда ва 10,3 грамм кўкнори, наша ўсимлиги топишган.

Ўзининг бу ҳаракатлари билан А. Гузельбаев Ўзбекистон

Абдулла Гузельбаев икки бор судланган бўлишига қарамай, тегишли ҳулоса чиқариб олмади. У наркотик моддаларни қонунсиз сақлаганликда айбланарди. Ўтган йили кўздан бошлаб уйда наркотик моддаларни яширинча сақлаб келган. Шу йилнинг январь ойида А. Гузельбаев уйи кўздан кечирилганда, унинг

... Тун. Соат иккилар чамаси. Навбатчилик қисмида телефон жиринглади. Шум хабар олган навбатчи бир зумда керакли жойларга қўнғироқ қилди... Шаҳардаги Абдусамат кўчасида қотиллик юз берган экан. Нуъмонжон исмли кишининг ўғлини номаълум шахслар пичоқлаб ўлдириб кетишди. Эндигина уйкуга ётган Равшанбек воқеа содир бўлган жойга етиб келганида тезкор гуруҳ жиноят изларини аниқлаётганди. Лекин жиноятчилар анойилардан эмас экан. Улар жиноят изларини яширишга улгуришди.

Равшанбек ва унинг хизматдошлари барибир калаванинг учини топишди. Бунга қуртқанинг тугмаси ёрдам берди. Машъум воқеа содир бўлган жойда қотиллардан бирининг қурткасидан битта тугмаси узилиб қолган экан. Ана шу туфайли 2-3 соат ичида қотиллар қўлга олинди. Улар ака-ука Абдурашид ва Иброҳим Қодировлар ҳамда уларнинг Асака, Балиқчидан келган ҳамтовоқлари экан. Бу жиноятчи гуруҳ 20 дан ортиқ ўғирлик қилган, ҳар доим тутқич бермай юрганди.

— Бунга ўхшаш воқеалар ҳаётимизда кўп бор учраган, — дейди Равшанбек. — Касбим осовишталик посбони бўлганлиги учун ҳар қандай жиноятнинг олдини олиш борасида бор билим ва маҳоратимни ишга соламан.

Равшанбек 1951 йили Шахрихон шаҳрида туғилган. Унинг ички ишлар бўлимида хизмат қила бошлаши ҳам ажойиб кечган. Тошкентда ички ишлар қўшинлари сафида хизмат қиларди. Қисм қўмондонлиги Равшанбекда халқ осовишталигини сақлаш

ишига лаёқат зўрлигини фаҳмлади. Шунинг учун уни ҳарбий хизматини ўтаб бўлгач, Шахрихон тумани ички ишлар бўлимига йўллашди. Ушанда Равшанбек кичик сержант унвонига эга эди. 1972 йилдан унинг милиция ишидаги сермашаққат ва масъулиятли фаолияти бошланди. У 1976 йилгача навбатчилик бўлимида ёрдамчи бўлиб ишлади. Сўнг аъло хизматлари билан кўпчиликнинг назарига тушган Равшанбекни санитария милиционери

Республикаси ЖМнинг 216-6 моддаси, 2-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.

Яқинда Тошкент вилояти Зангиота туман халқ суди А. Гузельбаев иштини қўриб чиқиб, уни икки йилу олти ойга озодликдан маҳрум этди.

Зокиржон ШАРИФ ўғли.

УМР ПИЛАПОЯЛАРИ

лавозимига ишга ўтказишди. Бу лавозимда беш йил хизмат қилди.

Баъзида шундай милиция ходимлари ҳам бўладики, унвонлари тезроқ оширилишини истаб қолишади. Равшанбекка эса мана шу ҳислат тамомла бегона эди. Ун йил давомида у катта сержант унвонига эришди, холос. Лекин яхши хизмат қилганлиги учун «Милиция аълочили» нишони ва қатор мукофотлар билан тақдирланди. Қисқаси, унинг камтарона хизматлари ўз самарасини бера бошлаган эди. У бўлима командири, кейин участка нозири, соқчилар взводи командири, шу соқчилик бўлимининг катта нозири вазифаларини адо этди. Ҳалол хизматлари эвазига унвонлари ҳам ошиб борди: энди у катта лейтенант эди.

Равшанбек Бурҳонов 1992 йили воёга етмаган ёшлар иштини назорат қилиш бўлимининг бошлиғи этиб тайинланди. Бу жуда

масъулиятли вазифа эди.

— Мен раҳбар этиб тайинланган бўлимада 12 нафар милиция ходими хизмат қилади, — дейди Равшанбек. — Вазифамиз воёга етмаган ёшлар ўртасида жиноятларнинг олдини олиш. Ўтган йили етти ойда ёшлар томонидан 10 та жиноят содир этилган. Шулардан саккизтаси оғир жиноят бўлиб, улар сирасига қотиллик, фуқаролар ва давлат мулкни ўғирлаш, талончилик қиради. Янги ишга ўтгач, ана шундай ноҳус

камайтиришни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим. Аввало, жиноятнинг келиб чиқиш сабаблари ўрганилди. Кейин тезкорлик билан мактаблар, маҳаллаларда ота-оналар билан суҳбатлар ўтказишга киришдик. Бу борада туман ва шаҳар халқ таълими бўлимлари, ҳокимликлари ҳузуридаги воёга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари, Ёшлар иттифоқи туман Кенгаши билан ҳамкорликда режа ишлаб чиқдик. Ана шу режа асосида ўтган давр ичида 304 бор суҳбат ўтказилди, лекциялар ўқилди. Жиноят содир этишга мойил бўлган 40 нафар ёш назорат остига олинди. Ҳокимият томонидан 131 ота-онага маъмурий жазо чоралари қўлланилди. Олиб борган тинимсиз ишларимиз туфайли шу йилнинг етти ойида жиноятлар сони камайди. Қотиллик, талончилик сингари оғир жиноятлар содир этилмади. Шунинг ҳам айтиб ўтиш

«ОВЧИЛАР»

Қоронгулик бағрини йиртиб оппоқ тонг отмоқда эди. Қишлоқ ширин уйкуда. Фақат уч кишигина уйкусиз тоғ кезмоқдалар. Катта бир арча тагига келганларида улар илжайиб қўйишди.

Қадимдан ҳайвон ва паррандалар тузоқ қўйилиб, овлаб келинган. Аммо бизнинг «овчиларимиз» анойилардан эмас. Нима кераги бор ов қилиш учун тоғу тошларда сарсон-саргардон бўлишнинг. Яхшиси, енгинангда юрган овдан қўймасин. «Овчилар» кеч тушиши билан аввалдан тайёрлаб қўйилган тузоқларни бир-бир текшириб қўришди ва жойларига қўйиб келишди. Эрта тонгда тузоққа нима тушганлигини билиш учун йўлга чиқдилар. Тузоққа тўртта ўлжа тушган эди. «Овчилар» тезлик билан ишга киришиб кетдилар. Гўштни алоҳида, ичак-чавоқларни алоҳида қилишди. Аммо милиция ходимларини кўргач, уларнинг иштаҳалари бўғилди-қолди.

Воқеа бундай бўлган эди. Шаҳар тоғли туманда жойлашгани учун чорвачилик қилишга қулай. Лекин кейинги вақтда чорва молларининг сирли равишда тоғда йўқолиб қолиши аҳоли ва милиция ходимларини ташвишлантира бошлади. Тоғда нима кўп — бўри еки бўлмаса ёввойи итлар. Балки шу йирткичлар еб кетаётгандир? Унда суяги, териси қолиши керак-ку? Маслаҳатли тўй тарқамас дегандек, маслаҳатлашилди, режа тузилди.

Кўп ўтмай чорва молларининг сирли равишда йўқолишига чек қўйилиб, «йирткичлар» қўлга олинди. Булар шу маҳаллада турувчи Тошпўлат Умаров, Игорь Алексеев, Евгений Торманлар бўлиб чиқди.

М.МИРЗААХМЕДОВ,
Янгибозор шаҳар ИИБ
бўлимининг
муовини, милиция майори.

керакки, Равшанбек ўзига топширилган вазифани сидқидилдан адо этаётганлиги туфайли тарбиявий ишлар кўлами ўтган йилга нисбатан анча кўпайди. У ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишда оммавий ахборот воситаларига ҳам таянмоқда. Газета ва радио орқали унинг тарбияга оид мақолалари, суҳбатлари эълон қилинаётир. Бўлима фаолиятини янада жонлантиришда Жумабой Носиров, Мадаминжон Дадабоев, Қажрамон Қозоқов, Неъматжон Қуролов сингари милиция ходимлари астойдил жонбозлик кўрсатишяпти.

Ички ишлар вазирлигининг «Бенуқсон хизмати учун» медали учала даражаси соҳиби Равшанбек Бурҳонов жамоатчилик ишида ҳам фаол иштирок этади. У 1991 йилдан буён туман ички ишлар бўлими жамоатчилик кенгашининг раисидир. Равшанбек милиция ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш борасида мақтовга сазовор ишларни амалга оширмоқда. Ходимлар турли камёб моллар — гилам, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланаётир. Ҳар бир ходимнинг яшаш шароити обдон ўрганиб чиқилади. Ана шу асосда уларга ёрдам берилади. Ўтган йили 5 нафар милиция ходимига уй қуриш учун ер участкаси олиб беришда ёрдам кўрсатилди. Телефонлаштириш масалалари ҳам ижобий ҳал этилди.

Анварбек ЗОКИРОВ,
Шахрихон тумани ички ишлар бўлими бошлиғи ўринбосари,
милиция майори.

Юсуфбек МҲМИНЖОН
ўғли, журналист.

ДУШАНБА

11 ОКТАБРЬ

ЎЗТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Семурғ—бахт қуши". Телефильм. 18.25 "Ёшлик" студияси. "Балоғат ешида". 18.55 Ёшлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Ёшлар. 19.25 "Фарғонанинг мовий халқаси". Телефильм. 19.35 "Келажак бугундан бошланади...". Хоразм вилоятдан кўрсатув. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Ёшлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 Гулбаҳор Эрқулова куйлайди. 21.50 Шароф Бомбеков. "Эшик қоққан ким ўзи?". Телеспектакль. 23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Ассалому алайкум" (такрор). 20.20 "Ўзум нави". Телефильм. 20.30 Бизнинг суҳбат. 21.10 "Билиб қўйган яхши". 21.30 "Миришкорлар". 22.10 "Сиртлон ҳақида кисса". Хужжатли фильм.

"ОРБИТА IV"

5.55, 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби. 6.00 Янгилар. 6.45 "Тонг". 9.00 Янгилар. 9.20 "Тингланг, томоша қилинг". 9.40 "Турмуш икки чирлари". Бадий телесериал премьераси. 10.10 Опасингил Литвиненколар куйлайди. 10.35 "Мавзу". 11.20 Болалар телевидениеси уюшмаси таништилади... 12.00 Янгилар. 12.20 "Гол". 12.50 Жаҳон халқлари ижоди.

15.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 15.25 "Телемист". 16.10 Болалар телевидениеси уюшмаси таништилади... 16.50 "Ва яна халқаро телевизион анжуман". 17.20 "Икки кулганда". 18.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 18.25 Москва "Телье" театр-шоу артистлари. рақсга тушадилар. 18.55 "Хужжатлар ва такдирлар". 19.00 "Гол". 19.35 "Хафтанинг акс садо". 20.05 "Қандай қилиб бой бўлиш мумкин?". Телеуин. 20.40 Хайри тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгилар. 21.25 "Турмуш икки чирлари". Бадий телесериал премьераси. 21.55 "Спорт уик-энди".

"Янги студия" таништилади:

22.10 "Монтаж". 22.35 "Қингир-қийшай эфир". 23.05 "Бомонд". 23.35 "Видеоасс". 23.55 "Мен". 00.35 "Монтаж" (давоми). 00.55 "ТВ-Х". Танаффус пайтида (24.00) — Янгилар.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 "Талаб қилинади...". 8.30 Иш-билармон кишилар даври. 9.00 "Россияда бизнес". 9.30 "Мутлақо махфий". 10.25 Мульти-пульт. 10.35 "Юлдузлар ёйилганда". 11.35 "Услуг". 12.05 Хонаки экран. "Капучинлар хиебонидидаги киши". Бадий фильм. 13.40 "Дехқонларга тааллуқли масала". 14.05 Кинокиссалар. "Оддий муҳаббат". Бадий фильм. 15.35 "Испанияга қуш парвозидаги масофадан назар ташлаганда". Кўп серияли хужжатли фильм премьераси. 16.05 Бола тилидан. 16.35 Янгилар. 16.50 Телегазета. 16.55 "Трансрөзфир". 17.30 "Мансаб алифбоси". 17.45 "М-трест".

*

18.00 — 20.20
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.20 Душанба кунни детектив. "Лаки страйк" таништилади. "Поль Таглиянинг тушлари". Бадий фильм. "Криминал ҳодисалар" сериалидан. 21.15 "Хроно". Авто ва мотоспорт оламида. 21.45 Спорт кўрсатуви.

*

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

22.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 22.25 Криминал хабарлар экрани. 22.35 "Сумо Достало". Бадий фильм. (Япония).

СЕШАНБА

12 ОКТАБРЬ

ЎЗТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 Лирик концерт. 7.50 "Асалари бўлган экан". Мультифильм. 8.05 Мутахассис маслаҳати. 8.15 "Кувноқ болалар". 8.30

ЗАНГОРИ
ЭКРАНДА

"Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...".

*

9.00 "Бировнинг хати". Бадий фильм. 10.30 Ўқув кўрсатуви. Математика. Мусбат ва манфий сонлар. Улар устида амаллар. 11.00 "Она-юрт тароналари". Телефильм. 11.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика. Электрон ҳисоблаш машиналари билан ишлаш.

16.55 Кўрсатувлар тартиби. 17.00 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. "Пахтакор" — "Сўғдиёна" (Жиззах). "Пахтакор" Марказий ўйингоҳидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.50 Ёшлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Ёшлар. 19.25 "Хирмонингизга барака!". 19.55 Дунё воқеалари. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Ёшлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 Ислохот ҳақида суҳбатлар. 21.10 Эстрада концерти. 21.40 "Катта имкониятлар мамлакати". 22.10 "Хотира". Абдулла Қодирий. 23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Уолт Дисней таништилади...". Мультифильмлар тўплами. 20.10 "Халқ саломатлиги йўлида".

"ОМАД" таништилади

21.10 Ёшлар. "Кинонигоҳ".

"ОРБИТА IV"

5.55, 15.20, 18.20, 21.20, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби. 6.00 Янгилар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 "Тонг". 9.00 Янгилар. 9.20 "Кувноқ нотачалар". 9.40 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 10.30 "Инсон ва қонун". 11.00 Мультифильм. 11.10 "440 герц". 11.50 "Матбуот-экспресс". 12.00 Янгилар. 12.20 "Сарсонлик-саргардонликда". Ўн уч серияли телевизион бадий фильм. 8-серия. 13.40 "Хоним ташрифи". Телевизион бадий фильм. 1-серия. 14.50 Мультифильм. 15.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 15.35 "Адам Смит бойлиги дунеси". 16.05 "Ён дафтар". 16.10 "Тедди Ракспиннинг саргузаштлари". Кўп серияли мультифильм премьераси. 16.40 "440 герц". 17.20 Москва халқаро автосалони. 17.50 "Технодром". 18.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 18.25 "Ишонч ерлиги". 18.45 "Хужжатлар ва такдирлар". 18.50 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 19.55 "Мавзу". 20.40 Хайри тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгилар. 21.25 Майя Плисецкая ижодий кечаси. 23.45 "Матбуот-экспресс". 24.00 "Катта сайр". 01.25 "Олам дам олишда".

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 "Талаб қилинади...". 8.30 Иш-билармон кишилар даври. 9.00 "Телевече".

12.00 Хонаки экран. "Йигитлар!" Бадий фильм. 13.30 "Дехқонларга тааллуқли масала". 13.55 Мульти-пульт. 14.05 Кинокиссалар. "Тақдир". Бадий фильм. 1-серия. 15.40 Сиз яратган бог". 16.10 "Рост" студияси. "15 ешли капитан". 16.40 Янгилар. 16.55 "Ватаним менинг".

*

18.00 — 20.40

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.40 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 23.00-серия. 21.30 Миллий сиеват хроникаси. "Биродарликдан муқаддас туйғу йўқ". 21.50 Катталар учун мультифильм.

*

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

22.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 22.25 Спорт кўрсатуви. 22.30 "Асил-халича". 23.30 Мусикий кўрсатув. 00.30 "Санкт-Петербург балети".

ЧОРШАНБА

13 ОКТАБРЬ

ЎЗТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 Севги тароналари. 7.50 "Бўй ўстирувчи дармон дори". Мультифильм. 7.55 Дунё воқеалари. 8.10 "Билиб қўйган яхши". 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...".

*

9.00 Республика газеталарининг шарҳи. 9.10 "Унинг қайлигиман". Бадий фильм. 10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика. Электромагнит тебранишлар. 11.00 "Тандир, олов, арча...". 11.15 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ). 11.30 Ўқув кўрсатуви. Ўзбекистон халқлари тарихи. Ўзбекистонда XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида маданият.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Аждодлар мероси — хазина". Хива шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланади. 18.45 "Шеърят дафтаридан". 18.55 Ёшлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Ёшлар. 19.25 "Ток новдаси". Телефильм. 19.40 Куйлардан қушиқларга. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Ёшлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 "Хуқуқий давлат сари". 21.30 Туркияда Ўзбекистон маданияти ва санъати кунлари. 22.30 "Ёр-ер шайдоси". "Ўзкинохроника" премьераси. 23.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Шарқ лирикаси". Саккокий. 19.50 "Спринг". 20.15 Шаҳар юмушлари. 21.15 "Иктисодчилар мактаби". 21.55 "Кечиккан муҳаббат". Қисқа метражли бадий фильм.

"ОРБИТА IV"

5.55, 15.20, 18.20, 21.20, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби. 6.00 Янгилар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 "Тонг". 9.00 Янгилар. 9.20 Мультифильм. 9.40 "Қарға". 9.50 "Оддий Мария". Кўп серияли бадий фильм премьераси. 10.40 "Савдо кўприги". 11.10 "Рок-сабоқ". 11.50 "Матбуот-экспресс". 12.00 Янгилар. 12.20 "Сарсонлик-саргардонликда". Ўн уч серияли телевизион бадий фильм. 9-серия. 12.25 "Хоним ташрифи". Телевизион бадий фильм. 2-серия. 14.35 Мультифильмлар. 15.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 15.25 Телемист". 16.10 "Ён дафтар". 16.15 "Тедди Ракспиннинг саргузаштлари". Кўп серияли мультифильм премьераси. 16.40 "Қизлар ўртасидаги сир". 17.00 "Парвоздаги ўй". Кўп серияли мультифильм премьераси. 17.30 "Дастлабки кўргазма". 17.50 "Технодром". 18.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 18.25 Эфирда — Давлатлараро "Мир" телерадиокомпанияси. 18.50 "Хужжатлар ва такдирлар". 19.00 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 19.50 "Миниатюра". 20.00 "Севги тарихи". 20.40 Хайри тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгилар. 21.25 "КТВ-I" ҳамда "Франс-интернациональ" канали режиссер К. Шабролиннинг фильмлари ретроспективасини таништилади: "Кассоб". Бадий фильм премьераси (Франция — Италия). 23.00 "Останкино" хит-паради. 24.00 Янгилар. 00.40 Шахмат бўйича жаҳон биринчилигида. 00.55 "Матбуот-экспресс". 01.05 Футбол. Жаҳон

чемпионатининг саралаш матчи.. Голландия — Англия терма командалари. 2-тайм. Голландиядан олиб кўрсатилади.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 "Талаб қилинади...". 8.30 Иш-билармон кишилар даври. 9.00 "Параллелар". 9.15 Христианлар учун кўрсатув. 9.45 "Асил халича". 10.40 Мульти-пульт. 11.45 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм. 23.00-серия. 12.35 "Омад кулиб боққанда". 13.35 "Дехқонларга тааллуқли масала". 13.55 Кинокиссалар. "Тақдир". Бадий фильм. 2-серия. 15.05 Мусикий коллекция. Пианиночи Шарль Доблер (Швейцария).

15.30 Мульти-пульт. 15.45 "Рост" студияси. "Кенгуру". 16.15 Янгилар. 16.30 "Сигнал". 16.45 "Трансрөзфир". 17.30 "Рус ижозатномаси".

18.00 — 20.25

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.25 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм. 23.1-серия. 12.40 "Ёз хотиралари". Мусикий-дам олиш кўрсатуви. 13.40 "Дехқонларга тааллуқли масала". 14.05 "Қутқариш хизмати 911". 15.00 "Ибодатхонадан бошлаймиз". Хужжали фильм премьераси. 15.25 "Рост" студияси. "Космос сабоқлари". "Биринчи тайм". 16.25 Янгилар. 16.40 Телегазета. 16.45 "Трансрөзфир". 17.30 "Тинчлик ва уруш".

*

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

**

22.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 22.25 Спорт кўрсатуви. 22.40 "Кўздан ғойиб бўлаётган манзара". Лев Аннинский кўрсатуви. 23.40 "Осойишталик № 9".

ПАЙШАНБА

14 ОКТАБРЬ

ЎЗТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 "Куйла, дилкаш дуторим!". 7.50 "Маҳмадона". Мультифильм. 8.00 "Кувноқ болалар". 8.15 "Тоғли ўлка". Телефильм. 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...". 9.00 Матбуот саҳифаларида (рус тилида). 9.10 "Табиат — ҳаёт чашмаси". Кинопрограмма. 10.00 "Кичкинтой" студияси. "Табиат алифбоси". 10.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика. Бейсик тилида алгебрик ифодалар. 11.00 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ).

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Ёшлик" студияси. "Ғазалхон ёшлигим". 18.55 Ёшлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Ёшлар. 19.25 "Чорраҳа". 19.40 Республикада хизмат кўрсатган артист Ҳадя Юсупова куйлайди. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Ёшлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 "Ватанин севмок иймондандир...". 21.30 Мерос. "Шоҳнома". 22.10 "Хўроз". Бадий фильм. 23.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Болалар учун. "Табассум". 19.50 "Армуда". Телефильм. 20.00 "Пульс". Хабарлар. 20.15 "Тошкент оқшомлари". 21.30 "Пульс". Хабарлар.

"ОМАД" таништилади:

21.45 Ёшлар. "Кинонигоҳ".

"ОРБИТА IV"

5.55, 15.20, 21.20, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби. 6.00 Янгилар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 "Тонг". 9.00 Янгилар. 9.20 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм. 10.10 Футбол. Жаҳон чемпионатининг саралаш матчи. Голландия — Англия терма командалари. 2-тайм. Голландиядан кўрсатилади. 11.00 "Ҳайвонот оламида" (сурдо таржимаси билан). 11.50 "Матбуот-экспресс". 12.00 Янгилар. 12.20 "Сарсонлик-саргардонликда". Ўн уч серияли телевизион бадий фильм. 10-серия. 13.35 "Отўйинг". Телевизион бадий фильм. 15.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 15.25 "Телемист". 16.10 "Ён дафтар". 16.15 "Тедди Ракспиннинг саргузаштлари". Кўп серияли мультифильм премьераси. 16.40 Мультифильмлар. 17.00 Рок-сабоқ". 17.40 "... 16 ешгача ва ундан катталар". Танаффус пайтида (18.00) — Янгилар (сурдо таржимаси билан). 18.55

"Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 19.45 "Кинопанорама". 20.40 Хайри тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгилар. 21.25 "Мулкдор алифбоси". 21.35 "Мосфильм" киностудиясининг 75 йиллигига "Иван Васильевич касбини ўзгартиради". Бадий фильм (1973 й). 23.15 Хоккей. Халқаро хоккей лигаси чемпионати. "Крилья Советов" (Москва) — "Металлург" (Магнитогорск). 2-давр. 24.00 Янгилар. 00.40 Хоккей. Халқаро хоккей лигаси чемпионати. "Крилья Советов" (Москва) — "Металлург" (Магнитогорск). 3-давр. 01.20 "МТВ". 02.20 "Матбуот-экспресс".

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 "Талаб қилинади...". 8.30 Иш-билармон кишилар даври. 9.00 "Мегаполис". 9.30 Тонгги концерт. 9.45 "Кўздан ғойиб бўлаётган манзара". Л?ев Аннинский кўрсатуви. 10.40 "К-2" таништилади: "Халқ фраки". 11.35 "Параллеллар". 11.50 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм. 23.1-серия. 12.40 "Ёз хотиралари". Мусикий-дам олиш кўрсатуви. 13.40 "Дехқонларга тааллуқли масала". 14.05 "Қутқариш хизмати 911". 15.00 "Ибодатхонадан бошлаймиз". Хужжали фильм премьераси. 15.25 "Рост" студияси. "Космос сабоқлари". "Биринчи тайм". 16.25 Янгилар. 16.40 Телегазета. 16.45 "Трансрөзфир". 17.30 "Тинчлик ва уруш".

*

18.00 — 20.20

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.20 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 23.2-серия. 21.10 "Ўз-ўзига режиссер". 21.40 П. И. Чайковский. "1812 йил" увертюраси. Санкт-Петербург филармониясининг академик симфоник оркестри ижро этади.

*

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

22.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 22.25 "Кимди йўқотади, кимди топади еки "Холис мулоҳазалар". 23.20 "Маскарад". Мусикий-дам олиш кўрсатуви. 23.45 Криминал хабарлар экрани. 23.55 "Тундаги қуш".

ЖУМА

15 ОКТАБРЬ

ЎЗТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 "Ёшлар куйлаганда". 7.50 "Чумчуқвой". Мультифильм. 8.00 Мутахассис маслаҳати. 8.10 "Академик Пугаченкова". Телефильм. 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...".

*

9.00 "Кўринмас одам". Бадий фильм. 10.25 "Оламни асранг". 11.05 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ).

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Баховуддин Нақшбанд". Телефильм. 18.20 "Фан уфқлари". 18.55 Ёшлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Ёшлар. 19.25 "Яхшилар етсин муродга...". Мусикий кўрсатув. 19.55 Дунё воқеалари. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Ёшлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 Ислохот ҳақида суҳбатлар. 21.10 "Шайрам қадамжоларида". 22.00 "Машина ойнасидаги шайтонвачча". Бадий фильм. 23.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Ўзбекистон спортга" (рус тилида). 20.05 "Регистон узра куй". Телефильм. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 "Марк Твен қарши". Телевизион бадий фильм.

"ОРБИТА IV"

5.55, 15.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби. 6.00 Янгилар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 "Тонг". 9.00 Янгилар. 9.20 Эртақ ҳузурида меҳмонда. "Кичкинтой Мукнинг саргузаштлари". Телевизион бадий

фильм. 10.45 Р.Леденев. Виолончель ва оркестр учун концерт программаси. 11.00 "Саёхатчилар клуби" (сурдо таржимаси билан). 11.50 Матбуот-экспресс. 12.00 Янгилар. 12.20 Америка М.Таратута билан. 12.50 А.Софронов. "Юрак операцияси". Телеспектакль. 14.30 Концерт. 15.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 15.25 "Бридж". 15.50 "Бизнес-класс". 16.05 Эртақ хузурида меҳмонда. "Кичкинтой Мукнинг саргузаштлари". Телевизион бадий фильм. 17.30 Мультифильм. 17.40 "Музограф". 18.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 18.20 "Бошқалар". Ингушистондан репортаж. 18.40 "Инсон ва қонун". 19.15 "Америка М.Таратута билан". 19.45 "Мўъжизалар майдони". 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгилар. 21.25 "Хафтанинг машхур киши". 21.45 "Детективлар клуби"да. Марлоу — хусусий изкувар". Беш серияли телевизион бадий фильм премьераси. 3-серия. 22.50 "Сиёсий бюро". 23.30 "Хоккей". Халқаро хоккей лигаси. "Динамо" (Москва) — "Лада" (Тольятти). 3-давр. 00.10 Янгилар. "ВИД" таништирадиган: 00.45 "Музобоз". 01.25 "Авто-шоу". 01.55 "Мусликий соат".

03.00 Шахмат бўйича жаҳон биринчилигида. 03.15 "Матбуот-экспресс".

"ДУБЛЬ IV"
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.25 "Талаб қилинади...". 8.30 Ишбилармон кишилар даври. 9.00 Тонгги концерт. 9.15 Кимдир йўқоти, кимдир топади ёки "Холлис" мулоҳазалар. 9.55 "Ўз ишининг усталари". "Байрамда тугилган". В.Розов. 10.40 "Сўнган юлдузи". 11.10 Муслика йирик планда". "Интрада". Пианиночи Михаил Лидский. 12.05 Мульти-пульти. 12.15 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм. 232-серия. 13.05 "Шахарча". Дам олиш кўрсатуви. 13.35 "Дехқонларга тааллуқли масала". 13.55 "Ўз-ўзига режиссёр". 14.25 Жума кунлари Дисней. "Зудлик билан болалар талаб қилинади". Бадий фильм. 2-серия. 15.15 Мульти-пульти. 15.45 "Очик муслика". Санкт-Петербургдаги джаз мусликаси фестивалида. 16.30 Янгилар. 16.45 Телегазета. 16.50 Мусликий кўрсатув. 17.00 "Оқ қарға".

18.00—20.20 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.20 Г.Горин. "Маърака". "Ленком" театрининг М.Захаров сахналаштирган спектакли.

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

22.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 22.25 Спорт кўрсатуви. 22.40 "Маърака". Спектаклнинг давоми. 00.10 "К-2" таништирадиган: "Абзац". 01.10 "Ванил чангалзорлари".

ШАНБА 16 ОКТЯБРЬ

ЎЗТВ I
6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 Халқ кўшиқлари. 7.50 "Қучуқча ва эски шиппак". Мультифильм. 8.00 Дунё воқеалари. 8.15 Шифокор маслаҳати. 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...".

9.00 Республика газеталарининг шарҳи. 9.10 Ўзбек тилини ўрганамиз. 9.40 "Пушқин Прагага боради". Бадий фильм. 11.00 "Ёшлик" студияси. "Тежамкорлик сирлари". 11.40 Турк тили. 12.10 "Миразиз қуйлаганда". Фильм-концерт. 12.40 "Дийдорингни қўргали зорман...".

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Ўсмирлар учун. "Тўзаллик гулшани". 18.30 "Ёшлик" студияси. "Кимга қанақа?". 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти. (рус тилида). 19.20 "Хонатлас". Телефильм. 19.30 "Оламга саёхат". Кинокўрсатув. 20.10 Оқшом эртақлари. 20.25 Кинолава. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 "Нафосат". Тележурнал. 22.00 Комилжон Отаниёзов номидаги "Лазги ашула ва

ракс ансамблининг "Хива сайли" номли янги дастури. Халқлар Дўстлиги саройидан ёзиб олинган. 23.00 "Тунги егду". Дам олиш кинопрограммаси.

ЎЗТВ II
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти. (рус тилида). 19.30 "Бузулук ўрмони". "Асрлар, хотираси". Телефильмлар. 19.55 Анжела Пулатова куйлайди. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 "Иккинчи доира бўйича". Бадий фильм.

"ОРБИТА IV"
5.45, 15.20, 21.20, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби. 6.50 Эрталабки гимнастика. 7.00 "Матбуот-экспресс". 7.10 "Ишбилармон кишининг шанба тонги". 7.55 Янгилар. 8.30 "Спорт-имконият". 9.00 "Марафон-15" — кичкинтойларга. 9.30 Эфирда — Давлатлараро "Мир" телерадиокомпанияси. 10.55 "Сергей бутхонаси". Уч серияли ҳужжатли фильм премьераси. 2-фильм. 11.50 "Авиакосмик салон". 12.05 "Мусликий дўкон". 12.40 "Хукумат кишилари". 12.55 Актерлар ва тақдирлар. "Тинч оқар Дон". Бадий фильм. 1-серия (1957 й). 15.00 Янгилар. 15.25 "Пеппи — Узун пайпоқ". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 5-серия. 15.55 "Пул ва сиёсат". Халқаро муносабатлар иқтисодиёт кўзгусида. 16.25 "Ультра-си". Спорт кўрсатуви. 16.55 "Қизил квадрат". 17.35 "Россия хроникаси". 18.25 "Бахтли тасодиф". 19.20 "Дилхушлик". 19.40 "Коламбия пикчерс" таништирадиган. "Стингрей". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 1-серия. 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгилар. 21.25 "Коламбия пикчерс" таништирадиган. "Дженнингнинг уруши". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 1-серия. 22.25 "Резонанс" студияси таништирадиган. 22.45 "Матбуот-экспресс". 22.55 "Олқишлар мукофоти". Томошалар империяси. 24.00 Янгилар. 00.40 Охирги киносеанс. "Декалог-V". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси (Польша). 01.40 "Джаз оламида".

"ДУБЛЬ IV"
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.25 Мусликий коллекция. "Александр-джаз квартет". 8.55 "730-формула". 9.25 "Хали англамаган коинот". 9.55 "Рост" студияси. "Истеъдодларни излаб. Саратовга". 1-қисм. 10.25 "Пилигрим". Россия саёхатлар бюроси.

11.10—14.30
"ЎЗБЕКИСТОН" ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ
11.10 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар". 11.20 "Бизнен мирас" (татар тилида). 12.00 "Умид" (уйғур тилида). 12.50 "Шарқ дурдоналари". 13.40 "Ижод саҳифалари". 14.15 "Бу ажиб дунё".

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
14.30 "Чегарасиз футбол". 15.30 "Пушқин вальси". 4-қисм. 16.00 "Жаҳоннинг машхур цирклари". 17.00 "Амика Веритас".

18.00—20.15 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.15 "Уинстон Черчилль — чўққига йўл". Кўп серияли бадий фильм премьераси. 3-серия. 21.15 "Фильмлар премьераси". 21.30 "Шахарча". Дам олиш кўрсатуви.

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

22.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 22.25 Спорт кўрсатуви. 22.35 "Қюша хузурида". 23.05 "Репортер". 23.20 "Санкт-Петербург мусликаси". 23.50 Тунги сеанс. "Фуэте". Бадий фильм. 01.35 Пласидо Доминго ва Хулио Иглесиас "Испанча фантазиялар" кўрсатувида.

ЯКШАНБА 17 ОКТЯБРЬ

ЎЗТВ I
7.00 "Ассалому алайкум".

8.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 8.30 "Махобхорат". Кўп қисмли телевизион бадий видеофильм (Хиндистон). 36-37 сериялар. 10.00 "Алифбо сабоқлари". 10.30 "Йўл интизомни эктирадиган". Бевосита мулоқот. 11.30 Мактаб ўқувчилари учун. "Қувноқ старлар".

12.15 Хитой тили. 12.45 "Ёшлик" студияси. "Ишонч". 13.25 "Кичкинтой устахонаси".

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Билмасвой Қуёшли шаҳарда". Мультифильм. 18.15 Мактаб ўқувчилари учун. "Санъат гунчалари". 18.45 "Ойнаи жаҳонда". 19.00 "Хафтанома" (рус тилида). 19.30 "Истиқлол ва адабиёт". 20.00 Дам олиш концерти. 20.30 "Хафтанома". 21.10 "Хорманг пахтакорлар!". Пахтакорлар учун кўрсатув ва концерт. 22.00 Республика театрларининг телевизион фестивали. А.Чўлпон. "Асорат". Йўлдош Охунбобоев номидаги еш томошабинлар театрининг спектакли. 23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II
"ОМАД" ТАНИШТИРАДИ:
17.00 "Мультифейерверк". 17.40 "ОМАД"-курьер. 17.55 "Мусликий йўлка". 18.10 "Хар соҳадан бир шингил". 18.20 "Совға". 18.50 "Салом, ешлар!". 19.15 "ДАРАКЧИ". 19.25 РЕКЛАМА. 19.30 "Видео-ОМАД". "Елдек учган умр". Бадий фильм. 2-серия 21.10 "4/8" мусликий кўрсатуви. 21.25 "ОМАД"-курьер. 21.35 "Мусликий йўлка". 22.05 "ДАРАКЧИ". 22.15 РЕКЛАМА. 22.20 "Видео-ОМАД".

"ОРБИТА IV"
6.40, 15.15, 00.15 — Кўрсатувлар тартиби. 6.45 Эрталабки гимнастика. 6.55 "Рухни чиниктириш". 7.55 Янгилар. 8.30 "Авто-шоу". 9.00 "Марказ". 9.30 "Эрта саҳарлаб". 10.00 "Хамма уйдалигида". 10.30 "Спортлото". 10.45 "Тонг юлдузи". 11.35 "Полигон". 12.05 "Марафон-15". 12.45 "ПИ" белгиси билан. 13.30 "Мен — аелман".

"КТВ-I" ҳамда "Франс интернациональ" канали таништирадиган:

14.00 Француз пазандалари сизга тавсия этадилар. 14.10 "Кусто командасининг сувости одиссеяси". Кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси. 15.00 Янгилар. 15.20 Эфирда — Давлатлараро "Мир" телерадиокомпанияси. 16.00 "Саёхатчилар клуби". 16.50 "Хунарли хор бўлмади". 16.55 Мультифильмлар премьераси: "Каспер ва унинг дўстлари", "Ҳақиқий ажина овловчилар". 17.45 "Панорама". Ҳафталик халқаро кўрсатув. 18.25 А.Буйнов куйлайди. 18.45 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 19.00 "Аншлаг. Аншлаг". 20.30 Телеэкранда биринчи марта. "Ўрта еш кишининг муҳаббати". Бадий фильм. ("Форафильм", 1990 й). 22.00 Янгилар. 22.45 "Орзулар вокзали". Ю.Башмет. 23.45 Шахмат бўйича жаҳон биринчилигида. 24.00 Янгилар.

"ДУБЛЬ IV"
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.25 "Йўқолган китоб". Ҳужжатли фильм. 8.55 "Хайрли тонг!". 9.25 "Қарама-қаршилиқлар". 10.05 "Рост" студияси. "Истеъдодларни излаб. Саратовга". 2-қисм. 10.35 "Калит" кўрсатуви. "Шоҳона мусобақа".

11.05—13.50 "ЎЗБЕКИСТОН" ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ

11.05 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар". 11.15 "Ўзбекистон жаҳонга юз тутмоқда". 12.00 "Саҳрода мўъжиза яратган". 13.00 "Аждодлар даъвати". 13.40 "Бу ажиб дунё".

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
13.50 "Дехқонларга тааллуқли масала". 14.10 "Кесиб ташламанг...". 14.25 Кундузги сеанс. "Кўзешлар томчиларди". Бадий фильм. 15.50 Россия қобусномаси. "Ўзликка қайтиш". 16.20 "Хайвонот оламида". 17.25 "Метрополис". 18.00 "Океандаги орол". Телефильм. 18.20 Диснейнинг сеҳрли олами. "Винни-Пухнинг янги саргузаштлари". "Қора плашч". 19.10 "Хар бир кун байрам". 19.20 "Зудлик билан шеър талаб қилинади...". Е.Евтушенконинг ижодий кечаси. 20.20 Телеэкранда — премьераси. "Ғалати одамлар". Бадий фильм.

22.00—24.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

("Тошкентдан гапиримиз ва кўрсатамиз" дастуридан олинган).



Тантанали йиғилиш



Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг клубида Жиноят-қидирув хизматининг 75 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. ИИВ шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлигининг ўринбосари вазифасини бажарувчи, милиция майори Ў.Жўраев йиғилишни очди ва ички ишлар Вазирининг ўринбосари, милиция полковниги Н.Бурхоновга сўз берди.

— Ички ишлар идораларининг асосий бўлинмаларидан бири бўлган Жиноят-қидирув бош бошқармаси жамоат тартибини таъминлаш, гоётада мураккаб жиноятларни очиш, ҳуқуқ бузишларнинг олдини олиш ишига сезиларли ҳисса қўшиб келмоқда, — деб таъкидлади маърузачи. — Ўз халқига садоқатини ҳар кун ишбодлаётган, кишиларнинг осойишта яшаши учун кўпинча ўз ҳаётларини ҳам аямаётган республика жиноят-қидирув барча ходимларини шонли сана билан кутлаймиз.

Бош бошқарма бошлигининг биринчи ўринбосари, милиция подполковниги А.Азизхўжаев бошқарманинг кечаги, бугунги ва эртанги кун ҳақида сўзлади.

Клубда Жиноят-қидирув хизматининг ҳозирги

ходимларигина эмас, балки ички ишлар идораларининг фахрийлари ҳам тўпланган эдилар. Улар номидан ички ишлар Вазирининг собиқ ўринбосари, милиция генерал-майори Г.Раҳимов сўзга чиқиб, Жиноят-қидирув хизмати ходимларининг иши мураккаб ва қизгин эканлигини таъкидлади.

— Биздан олдин шу соҳада ишлаганлардан қолишмайдиган даражада хизмат қилишга ҳаракат қиламиз, — деди Бош бошқарманинг еш тезкор вакиллари номидан сўзга чиққан милиция лейтенанти Ф.Рўзматов.

Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлигининг ўринбосари, ички хизмат полковниги Б.Носиров ички ишлар Вазирининг Жиноят-қидирув хизмати энг яхши ходимларини мукофотлаш тўғрисидаги буйруғини ўқиб берди. Фахрийларга ҳам гул ва қимматбаҳо совғалар топшириди.

Йиғилишдан сўнг таниқли санъат усталари иштирокида катта байрам концерти намойиш этилди.

С.НЕЛИН.
Суратларда: ИИВ клубидаги тантанадан лавҳалар. М.ПЕТРОСЯН олган сурат.



(Охири. Боши 63-78 сонларда).

Буларнинг ҳаммасидан хориган Одил билан ўзи кириб қолган ҳаётнинг авра-астари ҳақида ҳеч нарса билмайдиган полапон Раҳим қалбларни қизитган бу оқшом узоқ вақт сўхбат курди.

— Мен билан бирга аэропортга борасан, Раҳим. Биз жуда яхши бир инсонни кутиб оламиз, сен қойиллатиб ўғирлаш ҳали бу дунёдаги энг асосий ва қизиқарли нарса эмаслигига ишонч ҳосил қиласан, — деб ўз ҳикоясини қатъий оҳангда тугатди Одил.

... Тошкент аэропорти кечкурунлари байрамона ҳаёт кечиради.

Бутун дунёдан учиб келган самолётлардан тушаётган кишиларнинг чарчоғи ҳам байрамона эди. Самолётларга чиқувчи ва улардан тушувчи кишиларнинг оқими тўхтамас эди.

Заллар ҳам гавжум эди. Кимларнидир кузатишмоқда,

сайрга олиб чиқинлар.

Ўтган кун ва эртаси куннинг биринчи ярмини қандай ўтказганини Одил эслай олмади. Тая эса асосий нарсани сезишни хоҳламас эди; Одилнинг қандай саргардон бўлгани ва режалари ҳақида батафсил эшитишнинг хохлар эди. Ўзи жуда тез дўстлашиб олган-Ольга Сергеевна ҳақида шоша-пиша ҳикоя қилди, ундан илиқ сўзлар ёзилган қисқа мактубни топширди.

Фақат аэропортдагина Одилни узил-кесил ранжитмаслик учун гапни лўнда қилди.

— Сен хафа бўлма. Сен тамомила бошқа киши бўлишинг керак, тушунасанми? Ушанда, фақат ўшандагина биз яна бир мартаба учрашамиз. Сен нимани кутаётганингни яхши тушунаман. Лекин мени тўғри тушу, Одил. Мен ҳаммаси яхшилиқ билан тугашига жуда-жуда ишонаман. Лекин ҳали ҳеч нарса тугагани йўқ.

Бир кун худди тушдек ўтиб кетди, узун ён томони иллюминаторлар

ётарди. Омади юришмаганидан ва таъқиб қилишларидан қўрқиб натижасида жаҳолат отига минган, пулга жуда зориққан Сенька Паханни белкуррак билан уриб ўлдирган, лекин хонадан дарҳол чиқиб кетмаган. Жавон, сандиқ, комод очиб ташланган, стол галадонларининг ҳаммасида қулфлар бузиб ташланган. Паханнинг пул сақлайдиган яширин жойини топган-топмаганлиги ҳозирча номатлум. Сенька гойиб бўлган.

— Тошкентда яна бир ҳафтача бўлишингга тўғри келади, — деди Одилга эртаси Егоров.

— Кейин яна колониягами? — Йўқ. Лекин у ерга боришингга озгина қолган эди... Ишлаш учун борасан.

8.

Қайта тиклангандан сўнг Тошкент зилзиладан аввалига қараганда янада гўзаллашиб кетди. Тошкентда минорага ўхшаган кўп қаватли уйлар қад кўтарган ҳашаматли шохқўчалар кўпайди, шу билан бирга мўъжаз боғ-роғлар қўйнига ғарқ бўлган кичик коттеждлардан иборат овлоқ, сокин қўчалар ҳам оз эмас. Майор Егоровга квартирани марказдан узоқдан, Луначарский тош йўли атрофидан беришди, лекин у бундан хафа бўлмади, чунки бўш қолган пайтда кечкурунлари ўзининг мўъжаз боғида ишлаш мумкин эди. Эски пижама ва пойабзал кийиб, қўлига тоққайчи ва челақ олиб, ўзининг боғида берилиб ишларди. Кўп йиллар давомида ўз уй-жойига эга бўлмасдан хизмат қилганлиги унинг феъл-атвориға таъсир этган эди. Кўп йиллик хизмат мобайнида унинг нафақат боғдорчиликка, ҳатто ўзига ҳам қараш учун иложи бўлмаган.

Бу шанбада Сергей Александрович боғ ташвишларидан қутулиб, муздек сувда ювиниб олган, рафиқаси Юлия Павловна билан мириқиб чой ичмоқда эди. Егоровнинг болалари аллақачон бошқа шаҳарлардаги талабалар ётоқхоналарида яшашмоқда. Егоровни билмайдиган кишига айвонда ўзининг узумидан бошқа нарсаларга қизиқмайдиган одам дам олиб ўтиргандек туюлиши мумкин эди.

— Серёжа, уйимизга меҳмонлар келишмоқда, шекилли, — деди эшик олдида тўхтаган таксини пайқаган Юлия Павловна.

— Қаердан. келиши мумкин? — ҳайрон бўлди Егоров.

— Қирсам бўладими гражданин бошлиқ? — кўчадан овоз эшитилди.

— Бу ахир Клич-ку. Ушанинги ўзи, — эшик томон юрган Егоров рафиқасига маънодор қараб қўйди.

— Эҳтиёт бўлсанг яхши бўларди, — паст овозда илтимос қилди Юлия Павловна, лекин Егоров фақат бошини сарак-сарак қилди.

— Киравер, киравер, Одил, — майор эшикни ланг очди, меҳмонини айвонга бошлаб келди, рафиқаси билан таништирди. — Стол ёнида ўтир, Одил, чой ичамиз, — майор Одилга тўқима стул узатди.

— Кечирасиз, Сергей Александрович, ўзим билан баъзи нарсаларни олиб келганман, — хижолат билан Одил иягини силади, уй эгасининг норози қарашини сезиб, шоша-пиша тушунтирди: — Ахир, мен сиз билан хайрлашгани келдим. Эртага Қарши чўлига учиб кетаман. — У бир шиша коньякни стол устига қўйди, уй соҳибасидан уэр сўради: — Ахир, эрингиз олдида жуда ҳам қарздорман, Юлия Павловна.

Майор Одилдаги ўзгаришларни ҳайрат билан кузатмоқда эди. Биринчи мартаба унда ўзини жиндий тутиш ва ташвиш чекишни кўрди.

— Оз бўлмаса бошқатдан ҳароб бўладиган эдим, Сергей Александрович. Ахир, Пахан менга ёпишиб олган эди. Бунинг устига ишга жойлаштиришдаги омадсизлик: ҳеч ким ўғрини ишга олишни хоҳламайди, ўзини олиб қочади. Бошим гангитб қолди, Сергей Александрович...

Сенька Шпала билан нимани талашганини билмадим, лекин Пахан қилинишига яраша жазосини олди. Лекин Шпала қандай қилиб одам ўлдиришгача борганидан таажжубдаман. Мияси гангитгунга қадар ичган кўринадди. Лекин, ростини айтсам, Паханга ачинмайман.

— Сенька яна сени излаб қолмасмикин? — ташвишланиб сўради Егоров.

— Йўқ. Умуман олганда уни бу

ердан излаб овора бўлиб ўтирманлар. Паханнинг пулларини, чамаси, топган бўлса керак. Пули бўлса, у узоққа йўл олади.

— Биздан қочиб қутула олмайди. Комсомол қурилишлари штабида сенга нима дейишди?

— Эҳ, Сергей Александрович! Агар сиз бўлмаганингизда бутуниттифоқ комсомол қурилишига йўлланма беришга ҳадлари сиғармиди? Мен ахир жиноятчиман. Жиноятчи.

— Энди эса ундай эмас. Комсомолда менинги ҳали дўстларим кўп. Эски дўстларим. — Одилнинг таажжубланганини кўриб, Егоров тушунтирди: — Сен милиционер бўлиб туғилиш керак деб ўйлаган бўлсанг керак?.. Армия хизматидан сўнг заводда ишладим, цех комсорги бўлдим. Айтмоқчи, педагогика олийгоҳини битиришни орзу қилган эдим. Тўсатдан шаҳар комсомол қўмитасига қақриб қолишди. Ҳуқуқ-тартибот ва совет қонунчилигини мустаҳкамлаш, зарур, дейшди. Мана сенга олийгоҳ, барча орзулар. Ички ишлар вазирлигининг олий мактабига ариза топширишни таклиф қилишди. Шодлиқдан осмонга сакради, деб ўйлайсанми? Лекин зарур бўлгани учун бордим. Юлия Павловнадан мени милиция курсанти кийимида кўрганида нима деганини сўраб кўр. У милиционер билан учрашишдан уяламан деган, англадингми? Ушанда дунё кўзимга қоронғу бўлиб кўринган эди, ҳеч нарса ёқмас эди. Умуман, бизга нисбатан донм ҳам илиқ муносабатда бўлишмайди, бунинг ўзинг мендан кўра яхшироқ биласан.

— Наҳотки, сизларнинг орангизда аблаҳлар бўлмаса?

— Эҳ, Одил, Одил. Ақлли йигитсану, аҳмоқона савол берасан. Ахир, ҳамманинги ҳам қалбига кириб бўлмайди. Албатта, муттаҳамлар ҳам учраб туради. Лекин улардан қандай қилиб воз кечишимизни билмайсан. Айниқса ҳозирда. Лекин мен бунинг назарда тутаетганим йўқ. Биласанми, нима демоқчиман? Колонияда қанча йил ишладим! Колонияга яқин жойда, ноқулай ерда яшаш қувончли деб ўйлайсанми? Сен билан ёнма-ён олган ҳам қийналади. Хизмат қиласан, иш бажарасан. Сен "хизмат қилиш" деган сўзга эътибор қил. Кимга хизмат қиласан? Жамиятга, халққами? Буларнинг ҳаммаси тўғри. Лекин, қисман сенга ҳам Одил, сенинг дўстларингга ҳам хизмат қилдим. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Сизларнинг қалбларингиздан эзгулик куртакларини қидириб топниш, жамиятга фойдали инсонни қайтариш учун уларни парвартиш керак. Қийинми? Сен нима деб ўйлаган эдинг? Албатта, қийин. Лекин бошқа иложимиз йўқ. Яқинда менга бир оғайним ёзиб қолди... Поездда шаҳарма-шаҳар сангувчи ўғрини ушлашибди. Алла Целинная дегани...

Одилнинг бутун вужуди қулоққа айланди, лекин Егоров гўё ҳеч нима бўлмагандек, ўз сўзида давом этди:

— У билан алоқангни узмаганингда, сен ҳам унинг ёнидан жой олардинг, "фан номзоди". Хўп, майли, майли. Сен ҳақингда ҳамма нарсани биламиз. Тая ҳақида ҳам, Ольга Сергеевна ҳақида ҳам. Ҳайрон бўлма, йигит. Биз ахир кўчани белгилаб қўйилмаган ердан кесиб ўтганларгагина жарима солиш билан шугулланмаймиз...

Одил аллақачон майор билан фақат ҳеч нарсани яширмай сўзлашиш яхшироқ эканлигини англаган эди: қанчалик очик сўзлашса, шунча яхши.

— Нима қилиб ўғриларга қўшилиб қолганимни ҳам яхши билмайман. Балки, атрофимдаги ҳаёт шунга сабаб бўлгандир. Энди, чўлда ўзимнинг аблаҳ эмаслигимни исботлайман.

— Тая-чи? У билан нима қилмоқчисан?

— Нимани ҳам кутиш мумкин эди, Сергей Александрович? У меҳрибон одам, у кишиларга ишонади. Лекин ўз тақдирини собиқ ўғри билан боғлаш ҳам осон эмас. Менга хат ёзди. Ҳозир Барнаулда ишляпти. Биласанми, нимани ўйлаётган? Мен ҳақида кишилар ҳурмат билан гапиринилари учун қўлимдан келганича ҳаракат қиламан. Ахир, астойдил ишласам — ҳамма мени биладиган бўлади. Ўғри сифатида эса фақат сизларнинг орангизда "ном" чиқардим... Кейин самолётга ўтириб, Барнаулга учаман. Уша пайтга келиб, яхши бўлардики... Нима ҳам дердим, ўзингиз тушуниб турибсиз!

Одил майор Егоровнинг шинам

уйини тарк этганида қоронғу тушган эди. Юлия Павловна аллақачон ухлаган. Соат ўн бирларда у меҳмондан уэр сўраб, дам олиш учун хонага кириб кетган эди. Бир ярим миллион аҳоли яшайдиган улкан шаҳар уйкуга чўмган.

— Хайрлашиб олдида, Сергей Александрович, сизга жуда катта раҳмат айтмоқчиман! Нима учунлигини билмадим, колонияда сизни ҳурмат қилишарди. Мени ҳам эътибордан четда қолдирмадингиз. Ҳамма ҳам, эҳтимол, яхши сўзни ҳеч ҳам унутмасе керак. Келинг, бир қучоқлай...

ХОТИМА

Қарши нўлидаги бош машина канали бир неча юз километрга чўзилиб кетган. Экскаваторчиларнинг асосий гуруҳига куннинг ёруғида етиб олиш ва орқага қайтиш учун Толмарижондан азонлаб йўлга чиқиш лозим. Гараждан машиналар деярли бир вақтда чиқади, лекин колонна бўлиб юриб бўлмайди, чунки олдинда кетаётган автомобилнинг чанги кейинги машинанинг юришига ҳалақит беради. Одил рулда ўтирибди, ўзи билан ишга кетаётган ҳамроҳига қараб қўяди. Одил сигарета, гугурт олди, чекиб туриб унинг гапларига қулоқ солади. Бу йигитчанинг бошидан ўтганлари унга жуда қулғили бўлиб туюлади. Ота-онаси билан уришиб қолган. Уни халқ ҳўжалиги олийгоҳига, иқтисодиёт куллийтига киритиб қўйишмоқчи бўлишган. У эса бу ерга, Қарши чўлига жўнаган.

— Нимага бу ерга келдинг? Нима учун уларнинг гапларига қулоқ солмадинг? — Одил йигитчага тикилди.

— Аввалига ўзим мустақил бўлиб ишламоқчиман, пешона тери билан пул топмоқчиман, — тушунтирди йигитча. — Оғайниларимнинг деярли ҳаммаси шу ерда. Ўз давраси бор.

— Қўлингдан нима иш келади?

— Киши агар хоҳласа, ҳамма ишни ҳам уддалайди, — ранжиди йигитча.

— Исминг нима? — сўради Одил.

— Меникими? Коля Зайцев.

Сизникичи?

— Меникими? Одил Ваҳобов.

— Сиз ўша Одил Ваҳобовми? Ҳеч ўйламаган эдим! Бошқарма олдидаги Ҳурмат тахтасида бутунлай бошқача кўринасиз. Буерда кўпдан бери ишлайсизми, Одил?

— Бир йил бўлиб қолди.

— Қизиқарли, тўғрими?

— Қизиқарли.

— Мен доимо пешқадамларга ҳавас қиламан. Сиз бу ерда ишлай бошлаганингизда мен ҳали мактабда ўқирдим...

— Ҳечқиси йўқ, сенга ҳам иш етиб-ортади. Чўлнинг қанчалик бепоеилигини кўрайсанми? Бутун умр бўйи ишлашинг учун етади.

— Бу ерга қандай келиб қолдингиз? Комсомол йўлланмаси биланми? Кўнглини бўлибми?

— Ҳа, шунга ўхшашроқ...

Чўл узра жазирама уфуради, кўзларини уйку босади. Узоқ йўл юрадиган ҳайдовчиларнинг руль чамбарагини ушлаб туриб ўхлаб қолганлари кўп. Одил ҳамроҳининг уйкуга кета бошлаганини кўриб, мийинида жилмаяди. Ҳечқиси йўқ, болакай, ухлайвер. Бир йилдан сўнг буерда Одилнинг тутинган укаси Раҳим келади, эҳтимол, сен билан бирга ишлар. Албатта, комсомол йўлланмаси билан... Бу ерга киши, гоҳида, сенинг тушиниға кирмаган йўллар билан ҳам келиб қолади. Яхшиси, бу нарса тушиниға ҳам кирмасин.

Олис йўлда ҳамма нарса ҳақида ўйлайсан, ҳаммасини хотирлайсан. Одил уни бу ерга олиб келган йўлни эслайди. Қисқаси, бу — осон йўл бўлмади. Лекин ҳаётда ўз ўрнини топгунча ҳали узоқ йўл босиши керак. Кўп нарсани уддалаш зарур. Гарчи унинг ёши ёнидаги ҳамроҳидан катта бўлсада, ҳали кеч эмас. Одил бошидан ўтганларини бирма-бир эсларкан, баъзида булар унинг бошидан ўтмагандек бўлиб туюларди. Гўё унчалик қизиқарли бўлмаган бу воқеани қаердадир эшитгандек ёки қачонлардир фильмда кўргандек эди. Лекин бу воқеаларнинг ҳаммаси у билан юз берганини жуда яхши билади ва ҳеч қачон унутмайди.

Олис йўл — қийин йўл. Лекин Одил келажак орзуларни оғушида. У руль чамбарагини маҳкам ушлаган.

Юрий ВОЛОГИН

НОМЗОД

ҚИССА

кимларнидир кутиб олишмоқда. Раҳимнинг тасаввурича, бу ерда ҳафталаб қолиб кетса ҳам, зерикмас эди. Одил билан бирга у дарвоза олдидаги кичик хиебонда турар, самолётларнинг учини ва қўнишини томоша қиларди.

Йигитчанинг кўзлари завқдан товланарди. Жуда қизиқ, ақойиб! У аэровокзал биносига йўл олаётган учувчилар экипажидан кўзини уза олмай қолди.

— Хўш? Ҳавасинг келяптими? — Ҳамроҳининг гайриоддий завқ-шавқини кўрган Одил сўради. — Сен учун бу ҳақда ўйлаш кеч эмас.

— Мен ким бўлибман, — Раҳим ишонмаган ҳолда бурнини тортди. — Уларни бир қаранг-а!

— Тентак, улар сендалик вақтингда қандай бўлишганини билмайсан-ку... Лекин учувчи бўлишни хоҳлашди ва бунга эришишди. Энг муҳими, руҳин туширмаслик керак.

— Мен... ёмон ўқийман, — тан олди Раҳим. — Мактабни ташламоқчиман.

— Паҳаь билан оғиз-бурун ўпишишни ташла, ўзининг қўлга ол, — Одил қўлини унинг бошига қўйди. — Сенинг бутун ҳаётинг олдинда.

— Сенчи, Одил? — Ҳечқиси йўқ, мен ҳам... нафас оламан.

У аввалига ҳатто Таяни танимади. У нафис шимли костюм кийган, сочларини елкасига туширган, узун тасмали аэрофлот сумкачасини осиб олган эди. Жуда енгил ҳаёт кечирувчи кишиларгагина ана шундай парвоз қилишга тайёр бўлиб кўринишлари мумкин. Одил унинг ҳаётини яхши билгани учун ўзининг кўзларига ишонади.

— Хўш, салом, Одил, — қўлини узатди қиз. — Ёнингдаги ким? Укангми? Ҳаётинг қандай кечаётгани ҳақида гапириб бер. Аввал транзит учишлар кассасига борайлик, мен эртага Свердловскага учиб кетаман. У ерда ўғай онам кутмоқда. Ҳаммасини кейин гапириб бераман, кейин...

Киностудиядан кўнгиноқ бўлгани учун "Россия" меҳмонхонасидан Таяга жой топилди. Эрталаб Одил билан Раҳим уни вестибюлда кутиб олдилар. Тая янада очилиб кетган, башанг кийинган эди.

— Хўш, болалар, мен Тошкентда биринчи марта бўлишим. Меҳмонни

билай безанган темир куш Тошкентнинг жазирама осмонига кўтарилди. Ғоятда бегубор тушда кўришиниғина орзу қилса бўладиган фусункор гўзал қиз ҳам кўздан гойиб бўлди. Унга олиб борадиган йўл эса жуда узоқ давом этади, йўлнинг қаерда тугаши номатлум. Кўнгли бузилган Раҳим ҳам Одилнинг ёнида жимгина борарди, ўзининг бола қалби билан янги дўстининг бошига тушган синаотни ҳис этарди.

Одил эшикни очиб ҳовлига кирганида бир дақиқа қотиб қолди. Ҳовлида уни майор Егоров ва қандайдир капитан кутиб туришарди.

— Бизни кечир, Одил. Сендан шубҳаланиш учун ҳеч қандай ҳақимиз йўқ. Лекин эски дўстлигимиз ҳаққи ҳар ҳолда жавоб берарсан. Кеча тунда ва бугун эрталабдан қаерда бўлдинг? — Егоров ҳордигли овозда осойишталик билан сўради. Сергакланган капитан бамисоли тасодифан унинг ортига ўтиб қолди.

— Нима воқеа юз берди, Сергей Александрович? — саволдан ранжиган ҳолда осойишта овозда сўради Одил.

— Сидоров Игнат Павловични ўз уйида ўлдирилган ҳолда топдик, — маънодор қилиб деди Егоров. Одилнинг астойдил таажжубланаётганини кўриб, изоҳ берди: — Паханларингизни.

— Хўп, майли, юрақолинлар, — рози бўлди Одил. — Мен бир кўриб келмоқчиман. У ерда бошқа ҳеч кимни топмадингларми?

— Яна ким бўлиши керак эди у ерда?

Кўринадик, Таянинг келиши Одилни беихтиёр катта фалокатдан сақлаб қолган. Сенька Шпала ўғирликка бир ўзи борган. Пахан фақат кўз-қулоқ бўлиб турган. Лекин ҳеч нарсани олишга муваффақ бўлмаганлар. Сенька катта уйнинг соясига тепасида сигнал фонари ўрнатилган "Волга"ни кўриб қолган. Машина ўғирлик мўлжалланган уйдан анча нарида турган бўлсада, Сенька ниятидан қайтган. У кимдир милицияга хабар қилганини дарҳол сезган. Паханнинг уйига жаҳллари чиқиб, даргазаб ҳолда қайтишган. Сенька ичган, сўнгра чолга дағдаға қила бошлаган. У эса, чамаси, Сенькани уйдан ҳайдаган, чунки омборхонада турган Сеньканинг кийимлари сочилиб

БИР ПАС ҲОРДИҚ ОЛАЙЛИК

АДОЛАТ, ҲАҚ ЙЎЛИН СЕВДИК...



Салом КАРИМОВ
1940 йилда Бухоро
шаҳрида туғилган.
1969 йилда ТошДУ
фалсафа-иқтисод
бўлимини битириб,
1974 йилда
республика фалсафа
ва ҳуқуқ институти
аспирантурасини
тамомлаган. 1975-
йилдан эса
Ўзбекистон ИИВ
Олий мактабида
ишлайди. Ҳозирги
кунда мазкур

мактабнинг фалсафа кафедраси доценти.

Шеър ёзишни ўрта мактабда таҳсил кўриб юрган даврларида бошлаган. Шеърлари бир неча бор матбуот саҳифаларида чоп этилган. Ватан истиқлоли, инсон эрки ва камолоти, гўзаллик, умуминсоний қадриятлар ҳусусида қалам тебратишга ҳаракат қилади.

Қуйида биз С. Каримов қаламига мансуб шеърлардан намуналар эълон қиламиз.

МАКТАБИМ

(Ўзбекистон ИИВ Олий мактабига бағишлайман)

Мустақил юртим — ниҳол, тоза япроқ —
мактабим,

Лолазордир гўшаси, ям-яшил боғ, мактабим.
Хурмозор пайкаларин беназир мавжи гўзал,
Юрсангиз бағри — чаман, растаси —
боғ мактабим.

Бекиёс меҳнат-машаққат, ҳам муҳаббат меваси,
Ўтказилган ҳар кўчат — шода мунчоқ мактабим.
Ўзлигу ўзбеклигинг тоғталди ётлар амри-ла,
Равнақи урфонларинг мисли тирноқ мактабим.
Энди-чи, босса қадам сайри роз айлаб кўнгил,
Партави офтоб маромлиг, уфқи

порлоқ, мактабим.

Эркимиз бўлди мукаммал, меҳрибон

рахбар тагин,

Карвонинг бошига сарбон, манглайинг

оқ, мактабим.

Биз юракдан асрагаймиз, эй Ватан

манзилларинг,

Тўтиё кўзларга бўлсин бунда тупроқ, мактабим.

Талаба, зобит, мударрис иқболи тоғдай кулиб

Кўргазур кўрки камол, илмга чанқоқ, мактабим.
Гар Салом васфинг севиб, илқиға тутса қалам,
Сўз тополмай жисми лол, қалби титроқ,
мактабим.

ДОНО БЎЛИНГ

Бахтиёр ўғлим, қизим, элда сиз доно бўлинг,
Ўзлигингиз англаниз — олиму якто бўлинг.
Ота-она орзусин ҳақ жамолила безанг,
Одам авлоди башар қавмига ҳамроҳ бўлинг.
Ўрганинг илму ҳунар ила тил-тиллашиб,
Бул фалак сирини сиз оқ билинг, аъло бўлинг.
Ўтмиш ажодлар сабоғи сизни этгай бохабар,
Нурга чанқоқликда сиз, ошиғи саҳбо бўлинг.
Инсон — у инсон эмас дилда эҳсои бўлмаса,
Ақлингиз сочсин зиё — соҳиби иншо бўлинг.
Дер Салом: жон истаманг илму урфондан бўлак,
Не учунким ул азиз хоҳ фақир, хоҳ доно бўлинг.

ТЎРТЛИК

Сенга интилдик биз, эй қодир Оллоҳ,
Телба қалбимизда балки бор гуноҳ.
Адолат, ҳақ йўли севдик иймондан,
Бу йўлда адашсак, ўзинг эт огоҳ.

Сиёсий...

ТУНДА УЧАСИЗЛАР

19.. йил. Америкалик фазогирлар ойга
бориб қўнишди. Брежнев ҳузурига ўз
фазогирларини қақриб, асабий деди:

— Бизлар фалакиётшуносликда
америкаликларни қувиб ўтишимиз шарт.
Эртага қуёшга учасизлар!

— Леонид Ильич, бунинг ҳеч иложи йўқ.
Қуёш тафтидан биз йўқ бўлиб кетамиз-ку!

— Ташвиш тортманг, тунда учасизлар.

КИМНИ НАЗАРДА
ТУТГАНДИНГИЗ?

Сталин ҳузуридан асабийлашиб чиққан
Жуков ўзича мингирлади: "Мўйловдор
ифлос!" Қабулхонадаги чекистлар Жуковни
ушлашиб, Сталин ҳузурига олиб киришди.

Сталин: — Ўртоқ Жуков, ҳузуримдан
чиқишингиз билан "Мўйловдор ифлос"
дебсиз. Хўш, ўша қаҳрингизни келтирган ким
бўлди, билсак бўладими?

Жуков: — Отинг ўчгур ўша лаънати
Гитлер ҳеч ҳаёлимдан кетмайди. У қанчалаб
одамларнинг умрига зомин бўлди, ахир...

Сталин: — Кетаверинг, ўртоқ Жуков, мен
сизга ишонман.

Кейин чекистларга ўғирлиб дохий
сўради:

— Сиз, ўртоқ чекистлар, кимни назарда
тутгандингиз?



«Биз фақат «Постда»ни ўқиймиз»

...латифалар

ВАЗИРЛИК НЕГА КЕРАК?

Халқаро учрашувларнинг бирида СССР
вакиллари австрияликлардан сўрашди:

— Мамлакатингизда денгиз флотини
вазирлиги ташкил этилармиш, шу тўғрими?

— Худди шундай.

— Қизик, юртингизда денгиз йўқ-ку?

— Бунинг ҳеч ажабланидиган жойи йўқ,

— дея жавоб беришди австрияликлар. —

Ахир, биз сиздан мамлакатингизда
маданият вазирлиги нега керак, деб
сўраётганимиз йўқ-ку.

КАМБАҒАЛЛАР БОРМИ?

— СССРда камбағаллар борми?

— Бор. Булар — ўзда хусусий ҳеч
нарсаси йўқ одамлар.

— Бунинг қандай тушуни бўлади?

— Яшаб турган уй-жойи, дала ҳовлиси,
тағдирга машинаси давлатники бўлган
шахсларни назарда тутялман.

“МЕН САНИТАРМАН!”

Жиннихонада суҳбат ўтказётган
ташвиқотчи ҳур замонамизни кўкларга
кўтариб мактабди. У нутқини тўхтатиши
билан чеккароқда турган бир кишидан
ташқари ҳамма чапак чалиб юборди.

— Сиз нега қарсак чалмаяпсиз? —
қизиқсинди ташвиқотчи.

— Мен ақлдан озганим йўқ, санитарман!

— жавоб берди у.

Тўпловчи Т. МУРОД.

ЖАЗОЛАШДИ...

Директорнинг буйруғи билан
менга ташаккурнома эълон
қилинди.

Ҳамкасбларимдан бири
қизиқсиниб қолди:

— Ростданми?

— Ўзим эълонлар тахтасида
ўқиб қолдим...

— Қўлга тушибсан-ку? Аниқ
сабаби борми?

— Б-билмайман...

— Кунни чекиш жойида
ўтказасан — мана, сабаби
қаерда! Ҳали иш

бошламасданок, лабингда
сигарет, дудбуройни очасан.

Директор ҳам бекорга сени таниб
қолмаган.

Ҳамкасбларим келиб, тасалли
бера бошладилар:

— Кўп сиқилаверма.

— Битта сенми бу ҳолга
тушган?

— Бундан баттарроғи ҳам
бўлади...

Бўлим бошлиғимиз қақриб
қолди.

— Сиздан уддабурро ходим

чиқади деб ўйлагандим, қилган
ишингизни қаранг... Яна
ташаккурнома олибсиз.

Кейин буйруқ нусхасини олиш
учун кадрлар бўлимига
қақришди ва эслатиб ҳам
қўйишди:

— Кейинги ярим йил бадалида
учинчи маротаба ташаккурнома
олишингиз! "Ўз хоҳишингиз
билан" ишдан кетишингизга бир
баҳя қолапти.

— Бошқа қайтарилмайди, —
дейман мингирлаб, — ишонинг,
бу охиригиси.

— Шундай бўлсин.

Кўнглим хижил уйга қайтаман.
Хотиним нима деркин? У эса
остонадаёқ бақира кетди:

— Валаки саланг!

Демак, ҳаммасини аллақачон
эшитибди. Ҳамкасбларимнинг
ҳаммасига мукофот пули-ю,
менга эса яна ташаккурнома
беришганини билибди!..

Русчадан АБДУҒАФФОР
ўғирмаси.

“Постда” почтасида қолган хатлар ёки ҳазилни тушунадиганлар ўқисин

ЎҚИТУВЧИ: “Ассалому алайкум,
онаси. Директоримиз соғ-саломатми?
Уйдагилари уйнаб-кулиб
юришибдими? Қўшнилари ҳам
яхшими? Машинаси бу-
зилмаяптимики? У кишига менинг
номимдан алангали салом айтиб қўй.
Хўш, болалар қалай?”

Ота-онам тинчдир? Мен 8 “А”-
синф дафтарларини олиб келиб
шкафга солиб қўйганман. Текшириб
қўй, ўзим бориб баҳосини қўяман.
Болаларга ручка сотиб олиб бериб,
бекорга пулни исроф қилма. Шкафда
ўқувчилардан тортиб олиб қўйган
ручкаларим бор, шуларни
ишлатишсин. Хайр, директоримизга
салом айтиб қўй!”

ШОФЁР: “Салом хотин, кўнглингга
келмасин, манзилга келгунча бирорта
жононни кабинага миндирганим йўқ.
Йўлга тайёрлаб берган овқатларинг 4
кунга етди. Шу ҳисобдан анчагина
фойда қилдим. Уйдаги 80 литр
бензинини Холбой келса бер. Ёркул
акага бера кўрма, барибир пулини
ололмайсан. Болаларга тайинла,
мактабга йўлинг чеккасида бориб
келсин. Ҳозирги шоферларни
биласан...Олим тунов кунги
шелуханинг пулини бердим?
Бермаган бўлса, айт, тезлатсин.
Айтмоқчи, қариндошлар қалай?”

КИМ ҚАНДАЙ ХАТ
ЁЗАДИ?

“Муштум” журналида “Кўлларим
рулда, кўзларим пулда” деган шеър
чиққанмиш. Қирқиб олиб қўй. Хайр”.
МИЛИЦИОНЕР: “Салом, ўртоқ
хотин. Қалай, рядавойларимиз соғ-
саломатми? Менга қулоқ сол. Уй,
сандик, шкафларнинг кулфини яна
бир бор текшириб чик. Ҳозирги
ўғриллар жуда тажрибали бўлиб
кетишган. Уларнинг изини топиш ҳам
мушкуллашиб борапти. Аввалги давр
бўлса эканки, биродини ушлаб, 4-5 та
бошқа айбни ҳам қўшиб юборсанг.
Ҳозир бунақаси кетмайди.

Байрамгача етиб бораман. Бир
яшиқ оқидан топиб қўй. Қутлимурод
магазинчига айтсанг келтириб
беради. Ҳисоб-китобни уйга
борганимда ўзим қиламан. Хўп, хайр”.

ВРАЧ: “Салом, собик ҳамширам.
Менсиз зерикчилар йўқми? Уйга
келган беморларни бир амаллаб
ўзингиз даволаб турунг. Айтмоқчи,
бир килограмм нос юборинг. Сигарет
чекишни ташламоқчиман, Вино билан
яхши бўлмас экан. Винодан кейин бир

отим нос бўлса, бош роса ҳузур
қилади. Ҳақберди ферма хашак билан
ем олиб келиб ташладими? Агар олиб
келмаган бўлса, телефон қилиб
қўйинг. Кейин ўзидан ўпкаласин.
Касалхонага тушса, соғ қолмайди...
Озоданинг аттестатини гаплашиб
қўйганман. Директорини биласиз,
яқинда менинг бўлигимда етган
эди...”

МУХБИР: “Эрта тонг, қуёш энди-
гина уфқдан бош кўтариб келяпти.
Далалар кўм-кўк, осмон мусаффо.
Мен эса ҳокимиятимизнинг
қарорларидан руҳланиб Сизга мактуб
йўллаяпман. Ассалому алайкум,
парихон. Илҳом, Саодат яхшими?
Менинг қахрамонларим — сувчилар,
механизаторлар, бригада бошлиқлари,
зоотехниклар мени сўраб
туришибдими? Шунинг билмоқчи эдим,
холос. Хайр”.

Хатларни ўғринча оққа

кўчирувчи:

Иззатулла НОРҚУВВАТОВ.

Жанговар постда ҳалок бўлганлар шарафига

Бу воқеа 1984 йил кузида юз берган эди. Оҳангарон тумани ИИБнинг навбатчи қисмига ТТ тўппончаси билан қуролланган номаълум кишилар маҳаллий жамғармалар банкнинг филиалларидан бирига қуролли ҳужум қилганлиги ҳақида хабар келиб тушди. Кўп миқдорда қозғол, уч фоизли заём облигациялари, шунингдек "Наган" тўппончасини кўлга киритган жиноятчилар кўздан қайиб бўлган эдилар.

Туман ИИБнинг бутун шахсий таркиби оёққа турди, бир неча тезкор қидирув гуруҳлари банкка туташган ҳудудни диққат билан кўздан кечириб бошлашди. Жиноят-қидирув бўлимининг катта тезкор вакили Л. Ким, шу бўлимининг тезкор вакили Б. Содиқов ва патруль-пост хизматининг милиционерлари Р. Азимовлар ана шу гуруҳлардан бири таркибиде эдилар.

Уша тунда айна шу гуруҳ жиноятчиларнинг изини топишга муваффақ бўлди. Жиноятчиларга қуролни ташлаб, қаршиликни тўхтатиш кераклиги ҳусусида мурожаат қилинди. Бандитлар нима қилиб бўлсада, қуршовдан чиқиб кетишга урина бошладилар. Отишма пайтида милициянинг юқорида тилга олинган учала ходими ҳалок бўлди. Лекин жиноятчилар қочиб кутула олмадилар, кўп ўтмай қуролли талончиликнинг барча қатнашчилари жиноятларига яраша жазо олдилар. Хавфли жиноятчиларни, тутиш вақтида кўрсатган жасорати учун учала ходим вафотидан сўнг



"Жамоат тартибини муҳофаза қилишдаги аъло хизмати учун" медали билан тақдирланди.

Р. Азимов ва Б. Содиқов ўқиган мактаблар уларнинг номлари билан аталди, Л. Ким яшаган кўчага эса унинг номи берилди.

Оҳангарон шаҳар ИИБнинг яқинда қуриб битказилган биносиде ҳалок бўлган уч ходимга аталган ёдгорлик тантанали равишда очилди. Маросимда Тошкент вилоят ИИБ бошлиғи, милиция генерал-майори Н. Исмоилов, Оҳангарон ҳокими А. Расуловлар иштирок этдилар.

Шу нарсга ибратлики, жанговар постда ҳалок бўлган ўртоқларни хотирлаш шаҳар ички ишлар бўлимининг барча замонавий талабларга жавоб берадиган янги биносига кўчиб ўтилган кўнга уланиб кетди. Уни қуришда Оҳангарон цемент ва ун комбинатлари, "Сантехлит", "Стройпластмасс" заводлари ва бошқа корхоналарнинг жамоалари иштирок этдилар.

Тантанали маросимда сўзга чиққан кишилар Оҳангарон ички ишлар идораларининг ходимлари бундан буён ҳам жамоат тартибини муҳофаза қилиш ва жиноятчиликка қарши курашга бор кучларини сарфлашлари, жиноятчиларга қарши кураш ишида жонини қурбон қилган ходимларни унутмасликлари ҳақида гапирдилар.

Хаваскор артистларнинг концерти йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

Суратда: тантана лавҳалари.

Х. ШОДИЕВ олган суратлар.

Қидирилмоқда



Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек тумани ИИБ томонидан 1963 йилда туғилган, Тошкентдаги Пушкин-Салор кўчасининг 1-уй, 13-хонадониде истиқомат қилувчи **Галляутдин Исмоилович Жидихонов** қидирилмоқда. У 1993 йилнинг 2 июнида уйдан чиқиб кетганича дом-дараксиз йўқолган.

Белгилари: бўйи 164 сантиметр, кўзлари кўк, лаблари дўрдоқ, юзида сепкиллари кўп, оғзин юзли, сочи тўқ сариқ, руҳий жиҳатдан соғлом эмас, сариқ металлдан ясалган тишлари бор.

Кийими: эғнида калта энгли, ҳаворанг йўллари бўлган оқ кўйлак, купранг шим, купранг пиджак, оёғида ҳаворанг пайпоқ бўлган эди.



Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек тумани ИИБ томонидан 1979 йилда туғилган, Тошкентдаги "4-ТТЗ" мавзесининг 14-уйи, 20-хонадониде истиқомат қилувчи **Аълоҳон Жамолиддинович Қаландаров** қидирилмоқда. У 1993 йилнинг 8 апрелида уйдан чиқиб кетганича дом-дараксиз йўқолган.

Белгилари: бўйи 150 сантиметр, оғзин, юзи чўзинчоқ, сочлари тўғри, қора, қошлари ёйсимон, бурни тўғри, лаби юпқа, кўзлари қора, юзининг чап томонида иккита холи бор.

Кийими: эғнида синтетик газламадан тикланган тўқ ҳаворанг спорт кийими, ҳаворанг варенка жинси, қора ил газлама труси, оқ майка, оёғида оқ рангли кроссовка бўлган.

Г. Жидихонов ва А. Қаландаровнинг кейинги тақдирдан хабари бўлган кишилардан яқин орадаги милиция бўлимига ёки 02 телефони орқали хабар қилишларини сўраймиз.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўлимининг катта инспектори, милиция майори **Раиса Рафқатовна Халиулина**га отаси **Рафқат Босимович ХАЛИУЛИНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Куйи Чирчиқ тумани ИИБ участка вакили, милиция лейтенанти **Зокир Нёзатович РАҲМАТОВНИНГ** бевақт вафот этганлигини катта қайғу билан маълум қилади ва марҳумнинг оиласи ҳамда яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнгиндан сақлаш бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби 5-минтақалараро қутқарув бирлигининг бошлиғи, ички хизмат полковниги **Бахтиёр Ашурович Ҳасанов**га ўғли **Раъшан ҲАСАНОВНИНГ** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этадилар.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Чиноз тумани ИИБ бошлиғи, милиция майори **Ботир Зухуров**га волидан муҳтарамаси **Ортиқжон ая СОИПОВНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.



Қўшиқ — инсон руҳининг қаноти. Унинг мовий қанотида орзу-хаёлларингиз ошурталлик водийси фалағига парвоз қилмоғи, қалбни энтиктирувчи ширин ўйларга ошно бўлмоғи аён. Инсон ёлғиз қолганда ёҳуд узоқ ўлкаларда бўлганда кўпинча соғинчдан қўшиқ айтгиси келаверади.

Республикамиз мустақиллигининг икки йиллигига баришланиб вилоятда муассасалараро ўтказилган бадий ҳаваскорлик тўғрақларининг "Ижод-93" кўрик-танловига яқун ясалди. Муассасаларнинг театрлашган бадий-музикаий томошалар дастуридан ўрин олган ранг-баранг чиқишлари қизиқарлилиги, бетакрорлиги билан тўпланганларда бир олам таассурот қолдирди. Жумладан, ички хизмат полковниги Остон Саидов бошлиқ муассаса бадий жамоасининг чиқиши мазкур кўрик-танловда фаол қатнашиб, музика оламида ўзига хос чиқишлар қилди десак муболага бўлмайди. Энг муҳими, сахна асарларини яратишда маҳаллий ижодкорлар асарларига мурожаат қилиш етакчи ўринини олган. Дастлаб, бу бадий жамоа қашқадарёлик драматург Қилич Абдунабиевнинг "Фитна ёҳуд туш табири" драмаси асосида сахна асарини намойиш этишди. Темури салтанати даврини акс эттирувчи сахна беағи, нилий гумбазларнинг чироқ нурида ёлқинланиши, сарбозларнинг бир маромда ҳушёр ва сергак

Муассасалараро кўрик-танлов

ҳаракати томошабиннинг эътиборини тортади. Воқеа Амир Темурнинг нақшинкор тахтада ўтирган ҳолидаги туш табири асосида ривожланади. Темурнинг Тўхтамишхонни авф этиши, сарой фитнаси ҳақидаги сюжетлар санъат муҳлисларининг завқига завқ қўшиди.

... Буюк Турон фарзанди, соҳибқирон туш кўраяпти. Шум зулмат этагини ҳилолдек ёритган оқ шарпа Яссавий қиёфасида намоён бўлади. Улуғ шоир уни айрим ноҳушликлардан огоҳ этади. Соҳибқирон олмосдек тигдор ва гавҳардек шуъла сочувчи сўзлардан сархушланади. Ва улуғ шоир билан мулоқотга киришади. Албатта, драматург бу ерда маълум даражада ижобий ёндошган. Чунки улуғлар улуғларни этагидан тутиб улуғланганлар. Шу ерда М. Тошмухаммедов номидаги вилоят музикали драма театри режиссёри Жаббор Тошевнинг меҳнатини алоҳида таъкидламоқ жоиздир. У асарни сахналаштиришда маълум қилинган дастур чегарасини бузиб, янгича изланиш ва таҳлил руҳида ёндошган.

Маҳбуслар ижросида "На бўлди", "Қўлимда гул бор", "Соқиномайи мўғулчаи

дугоҳ", "Ўзбегим", "Санъатим", "Жайхун шамоллари" кўшиқлари муҳлисларни мамнун этди. Бундан ташқари Ғ. Ғуломнинг "Шум бола" қиссаси асосида яратилган кўриниш, "Ҳаводаги одам" сەҳрарлик ўйинлари, "Ассалому алайкум" номидаги кулгу саҳифаси, шунингдек эстрада кўшиқлари оригиналлилиги, юксак пафосда ижро этилганлиги билан тўпланганларда ёрқин таассурот қолдирди.

— Бундай ижодий кўрикларнинг ўтказилиши инсонни маънавий шакллантиришга хизмат қилади, — деди таниқли ёзувчи Самар Нур кўрик-танлов сўнгида. — Тўғриси, ҳаяжонда қолдим, улар ижро этган кўшиқлар таъсиридаман. Қиличжоннинг драмаси катта маҳорат билан сахналаштирилибди.

— Бу йилги санъат танловида жюри ҳайъати ўзларининг баҳоларини алоҳида қорозда билдириб, алоҳида конвертга жойлаштиришди, — дея сўз олди муассаса бошлиғи ички хизмат полковниги О. Саидов, — Гап жюри аъзоларининг баҳосида эмас. Муҳими ижро этилаётган кўшиқнинг таъсирчанлигида. Қўшиқ ҳаммиса ҳаётимизда ҳамроҳ бўлишига қўшиламан. Санъатга меҳр қўйганлар ҳеч қачон ютқизишмайди.

Ў. ҲАЙДАРОВ,
Қашқадарё вилояти.

- Кўчириб, босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.
- Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очиқ эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
- Муаллифнинг мулоҳазаси таҳририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.
- Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000021. Буюртма Г — 606, 32.939 нусхада босилди. Ҳажми — 2 босма табок. Босилиш — офсет усулида. Босишга топшириш вақти — 19.00. Босишга топширилди — 19.00.

ТЕЛЕФОНЛАР: муҳаррир — 39-70-40, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, масъул котиб — 59-29-66, муҳбирлар бўлими — 59-20-92, умумий бўлим — 59-21-21.

Обуна рақами — 64615.

Муҳаррир
Зокир ОТАЕВ

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700029, Тошкент,
Наврўз кўчаси, 1.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамаси Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «ШАРҚ» нашриёт-матбаачилик концерни.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1, 2, 3, 4, 5, 6.